*Соғлом пайтимда нон комбинатида ишлардим. Тикувчиликдан топган пулимга печ сотиб олдим. Кундузлари тўқиш, тикиш билан машғул бўлиб, кечалари пишириқлар пишира бошладим. Кечаси пиширишимга сабаб, бу ишни болаларимсиз эплай олмасдим. Норасидаларим болаликдан оғир меҳнат қилишгани учунми ёки етарлича эътибор беролмадикми, икки ўғлим кўп касал бўлишди. Етишмовчилик қурсин, фарзандларимизни олий ўқув юртларида ўқитолмадик.*

*Вақт-соати келиб, ўғилларимизни уйлантирдик. Келинларим ва қизимга тикувчиликни ўргатдим.*

*Ҳозир 66 ёшдаман. Умримнинг ярми ногиронликда ўтяпти. Илгари ҳеч ким биздан, нима дардинг бор, нима ёрдам керак, деб сўрамаган.*

*Сиз Президент бўлганингиздан кейин вазият буткул ўзгарди. Маҳалла, касаба уюшмалари ва ҳокимиятдан вакиллар бир неча марта келишиб, ҳол-аҳвол сўрашди. Айниқса, ўтган йилги оғир пандемия шароитида Сизнинг ғамхўрлигингиз туфайли биз каби ночор оилаларга эътибор катта бўлди. Ўғлим ва келиним жамоатчилик ишларига жалб қилинди. Тез-тез озиқ-овқат маҳсулотлари бериб туришди.*

*Сизнинг яна бир азму қарорингиз билан биринчи гуруҳ ногирони бўлган аёлларнинг яшаш шароитлари яхшиланди. Улар орасида мен ҳам борман. «Аёллар дафтари»га киритилганимдан сўнг уйимиздаги эски эшиклар замонавийсига алмаштирилди. Янги аравачали бўлдим. Кўп қаватли уйимизнинг орқа томонида иссиқхона қуриб беришди. Бодринг етиштириб, озми-кўпми даромад қиляпмиз. Барака топишсин, тез-тез йўқлаб келишади: моддий ёрдам, озиқ-овқат ва меҳр билан...*

***Қадрли Шавкат ака!***

*Сиз оғамдай, жигаримдай юрагимга яқин инсонсиз! Олтмиш ёшдан ошиб, давлатнинг борлигини энди билдим. Ногирон ҳолимда ҳам давлатга кераклигимни ҳис қилдим...*

*Сиз туфайли кўп оилалар қатори биз ҳам рўшнолик кўрдик. Бунинг учун Сизга минглан-минг раҳмат! Халқимизнинг бахтига соғ-омон бўлиб, яна узоқ йиллар бизга бош бўлинг!*

***Сингиллик меҳри билан,***

**Рўзигул АСҚАРОВА**

**Урганч шаҳри 26-сон «Жинговуз» маҳалласи**



# ҲАЁТГА НУР КИРИТГАН ТАШАББУСЛАР

***Ассалому алайкум, Шавкат Миромонович!***

*Ушбу мактубни Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги шодиёналари менга, қолаверса, бутун маҳалладошларимга олам-олам қувонч олиб келган муҳим сана бўлганини Сизга эртароқ етказиш учун ёзяпман.*

*Маҳалламиз туман марказидан 32 километр олисда. Ҳалигача ҳатто шағал тўшалмаган йўлларимиз бор эди. Симёғочларимиз қўлбола усулда ясалган, электр токида тез-тез узилишлар бўларди. Тоза ичимлик суви ҳақида ўйламай қўйгандик. Ишсизлик ва рўзғордаги ночорликлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.*

*Ҳурматли Юртбошим, Сизнинг телевизордаги чиқишларингизни доим кузатиб борамиз. Халқ, одамлар ҳаётини ўзгартириш, қийналган одамларнинг дардини эшитиш ва масаласини ҳал этиш тўғрисида кўп куйиниб гапирасиз. Мени хурсанд қилгани ўша гаплар ва ҳаракатлар аста-секин ҳаётимизга ҳам кўчаётганида.*

*Мана, ўзимиздан қиёс, «Обод маҳалла» дастури ижроси туфайли бизнинг олис маҳалламизда ҳам бугун кўплаб янгиланишлар бўлмоқда. Хусусан, ёзда чанг, қишда лойга ботиб ётадиган йўлларимиз текисланиб асфальтланди. Нафақат хонадонларимиз, ҳатто кўчаларимизда ҳам тунги чироқлар порлай бошлади. Энди маҳалламиз кўчалари кечалари-да ниҳоятда файзли, тароватли. Мактабларимиз, болалар боғчалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бинолари қиёфаси бутунлай ўзгарди. Энг муҳими, хонадонимизга бугун тоза ичимлик суви кириб келди.*

*«Аёллар дафтари» доирасида амалга оширилаётган ишлардан беҳад мамнунмиз. 40 ёшга тўлибманки, бирор жойда муқим ишлаган эмасман. Шу пайтгача мудом мавсумий юмушларда, ғўза чопиғи ҳамда пахта теримида қатнашиб, иш ҳақи олардим, холос. Очиғи, тирикчиликни амал-тақал ўтказаётгандик. «Аёллар дафтари»га киритилдим. Шундан сўнг ҳаёт тарзим яхши томонга ўзгарди. Айни шу дафтарга киритилганим сабаб давлат томонидан моддий ва маънавий кўмак олиб турибман.*

*Турмуш ўртоғим оғир хасталиги сабаб уй-жойимизга ҳам кўпда эътибор бермаганмиз. Яшаб турган уйимиз ниҳоятда абгор ҳолатда эди. «Аёллар дафтари»нинг бошида турган кўплаб яхшилар уйимнинг ҳам таъмирига яқиндан кўмаклашишди, том қисмини ёпиб беришди. Бундан ташқари, ҳар ойда менга 560 минг сўмдан ишсизлик нафақаси берилляпти. Рўзғори кам-кўстини тўлдириб олсин, деган яхши ниятда менга 25 сотих экин майдони ҳам ажратилган. Ҳозир ўзимга бириктирилган ердан мавсумий экинлар экиб, ҳар қарич ердан баҳоли қудрат фойдаланиб олишга ҳаракат қиляпман.*

*Мен учун энг қувонарлиси, бу йил қизим Садоқатга 4 фоизли грант ажратилган ҳолда олийгоҳга ўқиш учун тавсиянома берилди.*

*Ўзбекчиликда ён қўшни қариндошдан ҳам зиёда кўрилади. Ён қўшним Динара Пирматованинг ҳам қувончи менинг қувончимга эш бўлиб кетди. Негаки, у ҳам мен каби бир қатор имконият ва имтиёзлардан баҳраманд. Ўғли Давронбекнинг хатна тўйи ўтказилиб, «Зукко болажон» номли хусусий мактабгача таълим ташкилотига бепул жойлаб қўйилди. Ўзи эса 51-мактабгача таълим ташкилотининг спорт мураббийси сифатида иш бошлади.*

***Қадрли Президентим!***

*Қалблари шоду хуррамликка тўлган ва тўлаётган бундай хотин-қизларимизнинг ҳисоби йўқ. Сиз йўлга қўйган самарали тизимлар туфайли маҳалламиздан раҳбарларнинг қадамлари узилмай қолди. Натижада аҳолига тиббий, маданий, савдо, коммунал хизмат кўрсатиш юқори савияга чиқди. Аслида буларнинг барчаси Сизнинг оқилона раҳбарлигингиз шарофатидан. Шунинг учун ҳам Сизга ўзим, оиламиз аъзолари, қолаверса, бутун маҳалламиз аҳли номидан чексиз миннатдорчилик билдираман.*

*Кези келганда, энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Истиқлолнинг 30 йиллиги билан самимий табриклаган ҳолда Яратганнинг жамики эзгуликларини тилайман. Бизларнинг, бутун Ўзбекистонимиз халқининг бахтига доимо соғ-омон бўлинг!*

***Чексиз ҳурмат-эҳтиром билан,***

**Соҳиба РАИМҚУЛОВА**

**Мингбулоқ тумани «Қорашаҳар» маҳалласи**



# СИЗ ҚУЁШГА ЎХШАЙСИЗ

***Ассалому алайкум, муҳтарам Президент!***



*Сизга мактуб ёзишимга дилимда қайта уйғонган умид ва истаклар, қайта тирилган орзулар туртки бўлди.*

*Камалакнинг етти хил жилоси каби турмушнинг ҳам турфа ранглари бўлар экан. Болалигим жуда чиройли ўтган. Завқ-шавққа, гўзал хотираларга тўла мактаб даври, оиламизда ўтказган ширин дамларни бугун энтикиб эслайман.*

*Мактабни тугатгач, турмушга чиқдим. 1998 йил ўғлимиз Сардорбек туғилди. Ўшанда мендан, биздан бахтли одам йўқ эди. Аммо кутилмаганда содир бўлган аянчли воқеа ҳаётимни буткул издан чиқарди.*

*Эрим ишда, ўзим чиллали эдим. Электр симларининг қисқа туташувидан ўт чиқиб, уйимиз ёниб, кул бўлди. Бу бахтсиз ҳодисадан қаттиқ таъсирланганимдан кўзларим кўрмай қолди. Шифокорларнинг айтишича, кўзимда қон босими кўтарилиб кетибди. Шу тариқа, 1-гуруҳ ногирони бўлиб қолдим.*

*Зулмат ичра ёлғиз қолганим етмагандай, турмушнинг «мушт»лари, синовлари давом этди. Қайнота ва қайнонам ўғлининг сўқир аёл билан бирга яшашини исташмади. 2002 йил ўғлим билан ота-онамникига кўчиб ўтишдан ўзга чорам қолмади.*

*Турмуш ўртоғим бизни ташлаб қўймади, қарашиб турди. Бироқ орадан бир неча йил ўтгач, уйланди. Бу мен учун оғир синов бўлса-да, кўникишга мажбур эдим.*

*2014 йил март ойида яккаю-ёлғиз фарзандимнинг отаси беморликдан вафот этди. Ноябрь ойида эса ўғлимга саратон касаллиги илашди. Шифокорлар бунга кучли руҳий тушкунлик ҳолати сабаб бўлганини тахмин қилишди. Чунки Сардорим отасининг ўлимидан жуда қаттиқ таъсирланган эди...*

*2017 йилда болажонимдан ҳам айрилдим. Ҳаётнинг кетма-кет зарбаларидан гангиб қолдим. Дунё зулматга айланганди. Гарчи ота-онам, сингилларим ва укам атрофимда парвона бўлишса-да, кўнглимга қил сиғмасди. Фақат йиғлардим. Ана шундай оғир дамларда қоғоз ва қалам яқин сирдошимга, дарддошимга айланди. Дардларим, армонларим битилган дафтарлар сони кўпаяверди.*

*Очиғини айтаман, менинг ҳаётдан кўнглим совиган, эртанги кундан умидим йўқ эди. Аммо шундай қуёшсиз кунларда мен Сизнинг меҳрингизни, биз каби кам таъминланган оилаларга кўрсатаётган эътиборингизни ҳис қилдим. Менга ҳам 8 фоизли имтиёзли кредит берилди. Унга мол олиб, боқдик. Ўтган йили ушбу молларни сотиб, кичиккина бўлса-да, уй қуриб, ватанли бўлдим.*

*Уйнинг томини ёпишда эски шиферлардан фойдалангандик. Қишда чакка ўтиб, безор қилди. Уйда етарли шароит бўлмаса қийин экан, айниқса қишда.*

*2021 йилнинг кўкламида бир гуруҳ инсонлар уйимга келиб, аҳволимни ўрганишди. Улар касаба уюшмаси ва маҳалла фаоллари экан. Мени «Аёллар дафтари»га киритишди. Шундан сўнг ҳаётимга ҳам гўёки кўклам кириб келгандек бўлди. Уйимнинг таъмири учун маблағ ажратилди, телевизор ҳам совға қилишди.*

*Яна қувончлиси шуки, Қашқадарё вилояти «Халқ қабулхона»си ҳомийлигида «Шеърият кўнгил мулки» номли китобим нашр этилди. Вилоят ва тумандаги масъулларнинг саъй-ҳаракати ҳамда ёрдами билан илк китобимнинг тақдимот маросими ҳам юқори савияда ташкил этилди.*

*Мен муштипар бир аёл бу ғамхўрликлардан жуда миннатдорман. Чунки бугунги кунда китоб, қоғоз ва қалам – ҳаётимнинг маъно-мазмунига айланган. Чунки шеър ёзсам, чалғийман.*

*Ўз уйинг – ўлан тўшагинг, деб бекорга айтишмаган. Худога шукр, энди менинг ҳам уйим бор.*

*Азиз Юртбошим, барчаси учун Сизга раҳмат!*

*Дунёдан, яшашдан умидини узган мендек аёлни ҳаётга қайтарганингиз, менга умид ва ишонч берганингиз учун ташаккур!*

*Отам ҳам, онам ҳам, ўзим ҳам ҳар доим Сизни дуо қиламиз.*

*Сиз қуёшга ўхшайсиз,*
*Сиздан ўрганайлик нур сочишни, эзгуликни...*

***Камоли эҳтиром ила,***

**Феруза РАҲМОНОВА**

**Нишон тумани «Янгиобод» маҳалласи**

*Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,*
*Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.*

**Алишер Навоий**

# БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ!



***Ассалому алайкум, муҳтарам Шавкат Миромонович!***

*Ташаббусингиз билан юритила бошланган «Аёллар дафтари» менинг ҳаётимда ҳам ёруғ, фаровон кунларни бошлаб берганидан тўлқинланиб, хат ёзмоқдаман!*

*Турмуш ташвишлари мени жуда эрта чиниқтирди. Ўқиш, илм олиш ўрнига болаликданоқ ҳунар ўрганишга аҳд қилдим. Ўн тўрт ёшимда мустақил чевар сифатида ишлай бошладим. Ўн олти ёшимда эса турли андазадаги халатларни тикиб, бозорга олиб чиқардим.*

*Мана, шунга ҳам 18 йил бўлибди. Ўтган йиллар давомида худди шу тахлит ишладим. Аммо қўлида ҳунарию бир тикув машинаси бўлган аёл йил – ўн икки ой ишласа-да, каттароқ маблағ жамғариши деярли имконсиз эканини тажрибадан ўтказдим. Чунки рўзғор – ғор, деб бекорга айтишмаган.*

*Ўтган йилги пандемия барча қатори бизнинг жўжабирдай оиламиз учун ҳам катта синов бўлди. Чеварлик маҳсулотларимга бозорда талаб кескин тушиб кетди. Шундай вазият юзага келдики, иш тўхтаб қолди. Бундай ҳолат ойлаб давом этса, унча-мунча ҳунарманд ҳам тушкунликка тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Менда ҳам ана шундай суст кайфият, қандайдир мавҳум ҳис-туйғу анча вақт давом этди. Токи, «Аёллар дафтари»га рўйхатга олингунимга қадар...*

*Маҳалла мутасаддиларининг эътибори билан рўйхатга киритилганимдан сўнг аввалига маҳаллий ҳокимлик, сўнгра касаба уюшмалари вакиллари турмушим, чеварликда нималарга қодирлигим билан қизиқишди. «Сизда тадбиркорликка мойиллик бор экан, кредит олиб фаолиятингизни кенгайтиринг, ёрдам берамиз, уддалайсиз!», деб астойдил далда беришди. Ҳунармандларга кафил ва гаровсиз, тавсия хати билан ажратилаётган имтиёзли фоиздаги кредит ҳақида атрофлича маълумот беришганди, таваккал қилиб, 5 миллион сўм маблағ оладиган бўлдим. Бу ҳақда эшитган айрим танишларим кулишди: «бор-йўғи 5 миллион сўмми?», дея.*

*Мен эса, аввал мана шу озгина маблағ билан ўзимни тадбиркорликда синаб кўрай, деган фикрда қатъий эдим. Банкдан олинган маблағга хомашё сотиб олдим. Маҳалламиздаги чевар қизлардан уч нафарини бирга ишлашга чорладим, янги дизайнда, бир неча кўринишда аёллар либосларини тикиб, бозорга чиқардик. Тезда харидорлар кўпайди. Ўз ишимиздан руҳланиб, ҳаракатни жадаллатдик.*

*Ана шундай кунларнинг бирида «Халқ банки» республика бошқарувидан мутасаддилар хонадонимизга келишди. Улар либосларимизга юқори баҳо беришди, шунинг баробарида, «Ишингизни кенгайтириш учун 30 миллион сўм кредит ажратиш керак», деган хулосага келишди.*

*Ўзим Андижон туманида яшасам-да, бошқа туман ва маҳаллаларда истиқомат қиладиган дугоналарим, ҳунар ортидан танишиб-тутинган опаларим бор эди. Ҳаммаси қўли гул чеварлар. Кредит масаласи ҳал бўлгач, энг аввал уларни излаб топдим. Мен уйимизда ишлаётган маҳалладошларим билан бозорда харидоргир бўлаётган тўрт-беш хил кўринишдаги либос учун матони бичиб, ярим тайёр ҳолга келтириб берадиган, улар эса сифатли қилиб тикиб берадиган бўлишди. Шу билан ишимиз юришиб кетди, харидорлар ҳам кўпайди, ҳаммамизнинг оиламизга даромад киряпти.*

***Муҳтарам Юртбошим!***

*Сизнинг мамлакат аёлларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, эзгу ташаббусларни илгари сураётганингиз, мен ҳам мана шу эътибордан баҳраманд бўлаётганим ҳақидаги миннатдорлик туйғуларини қоғозга туширaётганимда яна бир хушхабарни эшитиб, рости, қувончдан кўзларимга ёш келди. Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси томонидан ўтказилаётган «Касаба уюшмалари лауреати» танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринга лойиқ кўришибди. Иккинчи даражали дипломга қўшиб, беш миллион сўм пул мукофоти ҳам беришди.*

*Бир пайтлар турли танловлар ва олимпиадаларда қатнашиб, ғолиб бўлган мактабдошларимга жуда-жуда ҳавас қилардим. Мана, танловларда эътироф этилиш бахти менга ҳам насиб этди. Севинмай бўладими ахир?*

***Азиз Юртбошим!***

*Биз каби аёлларни – она, опа, сингил ва қиз ўрнида кўриб, меҳр-мурувват кўрсатиб, шарт-шароитларимизни яхшилаш учун ҳаётбахш ташаббусларни рўёбга чиқараётганингиздан ғоят миннатдорман!*

*Бахтимизга доимо омон бўлинг!*

*Сиз учун ҳамиша дуодамиз!*

**Нилуфар ЖЎРАЕВА**

**Андижон тумани**
**«Иттифоқ» маҳалласи**

# ҲАЛОВАТИМ ҚАЙТГАН КУН

***Ассалому алайкум, муҳтарам Президент!***

*Ҳаёт кутилмаган синовларга тўла экан. Бунга ўз ҳаётим давомида кўп гувоҳ бўлдим. Бошимдан кўп оғир дамлар ўтди... Мана шу синовлардан ўтишимда Сизнинг ташаббусингиз қанчалик муҳим ўрин тутганини, миннатдорлик билдириш маъносида Сизга мактуб битишга қарор қилдим.*

*Ота-онамнинг хоҳиш-иродаси билан ўн саккиз ёшимда зиёли инсонга турмушга чиқдим. Дастлаб турмушимиз чиройли кечди. Умр йўлдошим қишлоғимиздаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишларди. Орадан бир йил ўтиб, фарзандли бўлдик. Афсуски, ўғлимиз мия босими ташхиси билан туғилди. Бир йиллик умри деярли шифохонада ўтди... Боламизни тупроққа топширдик. Орадан икки-уч йил ўтиб, яна ўғиллик бўлдик. Аммо фарзандимиз бир ёшга тўлганида унинг юрагида нуқсони борлиги аниқланди. Яна ташвишли кунлар бошланди. Бу орада эрим туман ҳокимлигига ишга ўтди. Лекин хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади.*

*Умр йўлдошим қўшни давлатнинг олий ўқув юртида таҳсил олгани боис, унинг дипломи яроқсиз деб топилди. Шу важ билан ишдан бўшатилди. Бу ёқда уч нафар фарзандимизни едириш-кийдириш керак. Камига ўғлимнинг дарди кун сайин зўрайиб борарди...*

*Шукрки, оғир кунларда яқинларимиз ташлаб қўймади. Ака-укаларнинг ёрдами билан машина сотиб олдик ва шуни ортидан тирикчилик қила бошладик. Ўзим туман марказидаги гўзаллик салонларидан бирига ишга кирдим. Бироқ у ерда узоқ ишлай олмадим. Боиси, Озодбекнинг дарди зўрайиб кетди. Шифокорлар уни зудлик билан операция қилиш зарурлигини айтишди. Афсуски, операцияга етадиган маблағни тополмадик. Ўша вақтда тегишли мутасаддилардан бир неча марта ёрдам сўрадик. Лекин улардан садо чиқмади...*




*Ўғлимизни вақти-вақти билан даволатиб юрдик. Ўшанда ичимдан ўтганлари фақат ўзимга ва Яратганга аён. Наҳотки, бу фарзандим ҳам нобуд бўлса, деган ўй-хаёллар тинчлик бермасди...*

*Кунлардан бир кун хонадонимизга бир неча киши келди. Улар хонадонма-хонадон хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиб юрган ишчи гуруҳ вакиллари экан. Уларга юрагимдаги бор ҳасратларимни тўкиб солдим.*

*Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, мени туман ҳокимлигига чақиришди...*

***Ҳурматли Шавкат Миромонович!***

*Сизнинг аёлларга кўрсатаётган ғамхўрлигингиз туфайли менинг ҳам мушкулим осон бўлди. Фарзандимни операция қилиш учун йўлланма беришди. Сиз сабаб ўғлим ҳаётга қайтди, у дарддан қутулди. Мен учун бундан ортиқ бахт йўқ.*

*«Аёллар дафтари»га рўйхатга олинганлигим боис ўзим эгаллаган касб-ҳунар бўйича малакамни оширдим. Яқинда маҳалламизда «Гўзаллик салони» очилди. Айни вақтда шу ерда иш бошладим. Турмуш ўртоғим дипломини нострификациядан ўтказиш учун имтиҳонларга тайёргарлик кўрмоқда. Насиб қилса, шу синовлардан ўтиб олсак, ҳаммаси яхши бўлади.*

*Сиз илгари сурган ташаббус сабаб юзимга нур инди, қалбимга хотиржамлик, ҳаловат қайтди. Барчаси учун ташаккур!*

***Чексиз миннатдорлик ила,***

**Шинара РАҲИМОВА**
**Паркент тумани «Бўстон» МФЙ**



# БУГУН МЕНДАН БАХТИЁР ИНСОН ЙЎҚ

***Ассалому алайкум, меҳрибон Юртбошим!***

*Ўйлана-ўйлана Сизга мактуб ёзишга қарор қилдим. Мақсадим бошимга тушган оғир мусибатларни баён қилиш эмас, балки Сизнинг шарофатингиз билан ҳаётга, яшашга қалбимда иштиёқ яна жўш ура бошлаганини айтишдир.*

*Тақдир экан, тўрт йил аввал кутилмаганда турмуш ўртоғим 32 ёшида оламдан ўтди. Аёл киши учун энг яқин инсонини, суянчиғини йўқотиш жуда оғир бўлар экан. Ҳаётнинг бу кутилмаган синовларидан бошим гангиб қолди. Бу ёқда ота меҳрига тўймаган фарзандларим...*

*Бошга тушганидан кейин инсон боласи кўраверар экан. Уч норасидани боқиш, тарбиялаш ёлғиз ўзимга қолди. Болаларнинг айни ейман-ичаман деган пайти. Қора қозонни қайнатиш керак. Уларни оч қолдирмаслик учун икки ёшли гўдагимни ташлаб, мардикорликка чиқиб, пул топишга мажбур бўлдим. Ғишт ташидим, ер чопдим, кўмир қопладим... Хуллас, тирикчилик дардида иш танлаб ўтирмадим. Иш бўлган кунлари рўзғоримизга барака кирар, иш бўлмаган кунлари эса эртанги кундан умид қилишдан бошқа чора йўқ эди.*

*Шундай кунлар бўлдики, уйга қуруқ қўл билан қайтмаслик учун арзимас чойчақага ҳам оғир ишларга боришга мажбур бўлардим. Баъзан йўқчиликдан қозонимиз кунлаб қайнамас, қотган нон еб қорин тўйдирган кунларимиз ҳам бўлган.*

*Бир куни уйимизга бир гуруҳ одамлар келди. Улар ўзларини Сизнинг топшириғингизга асосан хотин-қизлар муаммоларини ўрганишга келган ишчи гуруҳ вакиллари эканини айтишди. Савол-жавоблар орқали муаммоларимни бирма-бир қайд этиб олишди. Нураб, тўкилиб, кулбага айланиб қолган уйимизни обдон кўздан кечиришди. Суҳбат орасида менга тасалли беришди. Кейин билсам, улар мени «Аёллар дафтари»га киритишган экан.*



*Ҳаммаси шу ўрганишлардан кейин бошланди. Гўё тушда бўлаётгандек, уйимизга бирин-кетин қурилиш материаллари кела бошлади. Усталар астойдил енг шимариб уй солишга киришиб кетишди. Хаш-паш дегунча яхши инсонларнинг кўмаги билан ҳовлимизнинг ўртасида барча шароитларга эга уч хонали янги уй қуриб битказилди. Тўёна деб гилам, телевизор, болаларимнинг учаласига ҳам янги диван-кроватлар совға қилишди. Томорқамизга иссиқхона, уйнинг ёнига ёзги ошхона қуриб беришди. Рўзғорингиз бут бўлсин, деб янги тикув машинаси ҳам совға қилишди...*

*Янги уйда янги ҳаёт бошлаганимиздан бағоятда хурсандмиз. Айниқса, фарзандларимнинг қувончини кўрсангиз... Албатта, буларнинг барчаси Сизнинг оталарча меҳрингиз, ғамхўрлигингиз туфайли амалга ошди. Бу яхшиликларингизни ҳеч қачон унутмаймиз. Илоҳим, юртимиз бахтига доимо соғ-саломат бўлинг. Сиздек, Юртбошимиз борлигидан доим фахрланамиз.*

***Чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан,***

**Гулмира ЭРГАШЕВА**

**Данғара тумани**
**«Таптиқсарой» маҳалласи**

*Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим.*

***Амир Темур***

## ЭЗГУЛИКЛАР АБАДИЙДИР



***Муҳтарам Президент!***

*Сизга бугунги қутлуғ кунлар арафасида ўзимнинг тимсолимда бир қорақалпоқ аёлининг миннатдорлигини етказмоқни дилга тугиб, мактуб битишга азм қилдим.*

*Сизнинг эзгу ва буюк ташаббусингиз – «Аёллар дафтари»ни юритиш тизими минглаб хотин-қизлар қатори менинг ҳам ҳаётимга нур олиб кирди, турмушимга янги нафас ва маъно киритди.*

*«Аёллар дафтари» жорий қилингунга қадар раҳбарлар ва мутасаддиларнинг олдига борсам, у арзимни тинглаётгандек бўларди, аммо хаёли бошқа нарсаларда экани шундоқ сезиларди. Тезроқ қутулиш пайида эканини англардим.*

*Шу сабаб мурожаат қилишга ботинолмас, ботинсак ҳам, ундан наф чиқишига ишонмасдик. Ўша кезларда тайинли иш тополмай, қанча ташкилотларнинг остонасини тўздирганим, кутишдан, аниқ манзили йўқ жавоблардан безиб кетганим ҳамон ёдимда.*

*«Аёллар дафтари» пайдо бўлди-ю барчаси бутунлай ўзгарди.*

*Кўпчилик аёллар қаторида мен ҳам дафтарга илинишим билан кўп ўтмай ишга қабул қилиндим. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳузурида ташкил этилган тикувчилик цехида ўзим севган ҳунарим билан шуғуллана бошладим. Ҳозирда буюртма берадиганлар кўпайиб қолди. Худога шукур, ҳозир ҳаммаси яхши, рўзғорим бут.*

***Муҳтарам Юртбошим!***

*Сиз жорий қилган тизим ишга тушди-ю мен каби минглаб аёлларнинг ташвиши ариди, муаммолари ҳал бўлди.*

*Биз бундан беҳад миннатдормиз. Илоҳим, халқимиз ва биз аёлларнинг бахтига соғ бўлинг!*

***Камоли эҳтиром ила,***

**Салтанат КОМЕКБАЕВА**

**Нукус шаҳри**



## МЕН ҲАМ ЭНДИ ОДАМЛАРДЕК ЯШАЯПМАН

*Умримнинг йигирма йилдан ортиғи Тошкентдаги касалхоналарда ўтди. Мактабга бир кун ҳам бормаган бўлсам-да, касалхонада ётавериб, рус тилини ҳам ўрганиб олдим. Аммо ўқиш-ёзишни ҳамон билмайман. Ушбу мактубни ҳам йиғлаб-йиғлаб онамга айтиб ёздирмоқдаман.*

***Ассалому алайкум, муҳтарам Президент!***

*Мен 1973 йил Навбаҳор туманидаги Кескантерак қишлоғида туғилганман. Уч ёшимда йиқилиб, ногирон бўлиб қолдим. Ўшандан буён оёқларим ишламайди. 45 йилки, тўшакка михланиб ётибман. Кунимга фақат ёлғиз онажоним ярайди. Онамнинг ёрдамисиз бир пиёла сувни ҳам олиб ичолмайман...*

*Яқин кунларгача умрим мана шундай ғурбатда ўтаётган эди...*

***Муҳтарам Президент!***

*Сизнинг беминнат ташаббусингиз билан яқинда менга алоҳида уй қуриб берилди. Ичида ногиронлар учун ҳамма шароитлар мавжуд. Иссиқ сув, совуқ сув бор. Эмаклаб бориб бўлса-да, бемалол ювинаман. Пастаккина ўрнатилган ойнага қараб, сочларимни тарайман.*

*Бугун ўйлаб кўрсам, илгари жуда оғир шароитда яшаган эканман. Айниқса, қишда жуда-жуда азобланганман. Имконсизликдан онам бечора юз-қўлимни кунига бир марта ювар эди. Фақат ёзда катта идишга сув тўлдириб, чўмилтирарди.*

*Отам раҳматли мени даволатиш учун жуда кўп югурди.*

***Азиз Юртбошим!***

*Сиз менга жуда катта яхшилик қилдингиз. Агар оёқларим ишлаганида, ҳузурингизга бориб ёки биз томонларга келганингизда Сизга пешвоз чиқиб, ҳамма-ҳаммаси учун миннатдорлик билдирардим.*

*Сизни телевизорда кўрсам, йиғлайвераман. Ахир Сиз туфайли энди мен ҳам одамга ўхшаб яшаяпман-да. Биламан, Сизни биргина мен эмас, ҳамма яхши кўради. Чунки Сиз ҳаммага яхшилик қиласиз, ҳаммага эзгулик улашасиз.*

*Борингизга шукур. Илоҳим, халқимизнинг бахтига омон бўлинг!*

***Чексиз ҳурмат билан,***

**Гулшаной РАҲМОНОВА**
**Навбаҳор тумани Кескантерак қишлоғи**

## ЯЙРАБ ТЎЙЛАР ҚИЛЯПМИЗ



***Ассалому алайкум, ҳурматли Юртбоши!***

*Сизнинг эзгу ташаббусларингиз билан мамлакатда минглаб аёлларнинг дарди аримоқда, хаста кўнгилларга малҳам топилмоқда, минглаб дардман аёлларнинг муаммолари ҳал бўлмоқда, орзулари ушалмоқда.*

*Ана шундай кўнгли ўксик, дили маҳзун аёллардан бири – мен эдим.*

*Мен Сирдарёда туғилиб ўсганман. Оилада ёлғиз фарзанд эдим. Тақдир экан, турмуш ўртоғим бизни ташлаб, хорижга кетгач, уч нафар фарзандим билан отамникида яшай бошладим. Бу орада онам вафот этди. Кейин, нима учун билмадим, отам яшаб турган ҳовлимизни сотиб юборди.*

*Фарзандларим билан бир кунда кўчада қолдим. Нима қилишимни билмай, маҳаллага йиғлаб бордим. Улар мени яхши қабул қилишди, туман ҳокимлиги балансидаги темирйўлчилар ётоқхонасига жойлашди. Беш йил битта хонада, сўнгра 2 та хонада яшадим. Фарзандларимни вояга етказиш учун тинмай ишладим. Аммо ёлғиз қўл билан уй сотиб олиш ташвишидан қутула олмадим. 21 йил ётоқхонада яшадик. Ўз уйим бўлмагани учун ўғил уйлантиришни ҳам орқага суриб келдим.*

*Бир куни бир гуруҳ инсонлар келиб, «Сизни «Аёллар дафтари»га киритамиз, муаммоларингизни биламиз», дейишди.*

*Кўп кутмадик, мен каби ётоқхонада яшаб келаётган 20 нафар аёл уйли бўлди. Ётоқхона биносини уй-жойга мослаштириб таъмирлашди. Ҳужжатлар номимизга расмийлаштирилди, мулкдорга айландик. Учта кетма-кет жойлашган хоналар бизнинг оилага берилди.*

*Кўнгилда чигил бўлмаса, юмушлар ҳам осон битаркан. Ўғлимга муносиб келин топиб, тўй қилдим. Ўғилларим уй таъмири билан шуғулланади. Улар тўйга ҳозирлик кўриб, хоналарни меҳр билан безашди. Ташвишим унут бўлгани учун тўйда яйрадим. Яхши кунимда ҳам ёнимда маҳалламиз ходимлари бўлишди. Харажатлар учун моддий ёрдам, ҳомийларнинг гилам каби совғаларини тўёна қилишди.*

*Мен гулларни яхши кўраман. Уйимиз ҳовлисининг атрофига гул ва дарахт кўчатлари қададим. Сиз совға қилган уйни доимо покиза сақлаб, обод қилишни ният қилганман.*

*Мана шундай қувончли кунларимда Сизга кўпдан-кўп дуои саломлар йўллаб, кўнгилдаги ташаккурларимни етказишни истадим.*

*Ахир бу кунлар Сизнинг ҳам қувончли кунларингиз, Янги Ўзбекистонимиз ўттиз ёшга тўлмоқда. Қутлуғ шодиёналар арафасида қўлларимиз доимо дуода: Илоҳим, яхши кунларингиз – элимизнинг яхши кунлари кўп бўлсин!*

*Бахтимизга доимо саломат бўлинг!*

***Ҳурмат билан синглингиз,***

**Зулфия ҲАСАНОВА**

**Сирдарё тумани «Ширин» МФЙ**

## ДАРДЛАРИМ ОРТДА ҚОЛДИ



***Ҳурматли Шавкат Миромонович!***

*Сизга ушбу хатни ёзишдан олдин роса иккиландим: ёзсамми, ёзмасамми? Ахийри, кўнглим буюрганини қилдим, қўлимга қалам олдим.*

*Мен болаликдан ногиронман. Тақдирнинг бу синови етмагандек, ота-онамдан ҳам эрта ажралдим. Акаларим қарамоғида улғайдим. Кейин зарбдорлик Хайрулла исмли йигитга турмушга чиқдим. У киши ҳам етимликда катта бўлган экан. Биз рўзғор ташвишлари билан Зарбдор туманидаги «Нурафшон» хўжалигига бориб қолдик. Хўжалик чеккасида жойлашган ферма ҳудудида «бошпана» қуриб яшай бошладик. 2 ўғил ва 2 қизли бўлдик.*

*Кунларнинг бирида биз яшаб турган ферма сотилгани, у ердан чиқиб кетишимизни айтишди. Хўжайиним хўжалик ҳудудидан оқиб ўтувчи каналнинг сув бўлиш иншоотига қоровул бўлиб ишга кирганди. Биз канал ёнида қоровуллар учун қурилган 2 хонали уйчага кўчиб ўтдик. Бир куни болалар нафақасини олиш учун туман марказига бордим. Келсам... Болажоним Лутфулла каналга тушиб кетибди... «Болам!», деб бўзлаб қолавердим...*

*Орадан икки йил ўтиб, 2003 йилда турмуш ўртоғим ҳам оғир хасталикдан вафот этди. Ҳаётимиздан энди буткул файз ариди. Лекин уч нафар фарзандимни ўйлаб, яшар эдим...*

*Канал бўйидаги уйча овлоқроқ жойда бўлгани учун «Лалмикор» маҳалласидаги бир хонали вақтинчалик уйга кўчдик. Уни қўшнилар ҳашар йўли билан солиб беришди.*

*Янги уйни 2017 йилдан буён кўтараман. Кўп жойга ёрдам сўраб, мурожаат қилдим. Фойдаси бўлмади. Кунимга яна ўша қўшниларим яради. Бир амаллаб 3 хонали уйни битирдик. Аммо унинг том қисмини шифер қилишга ҳеч имкониятим йўқ эди.*

*Бир куни уйимизга бир гуруҳ одамлар келди. Уларнинг орасида ҳокимиятга борганимда дардимни эшитишни истамаганлар ҳам бор эди. Энг қизиғи, айнан улар «Опа, нима камчилигингиз бор, биздан қандай ёрдам керак?», деб айтганларимни қоғозга тушира кетишди. Ҳайрон қолдим. Нималар бўлаётганига тушунмадим. Кейин билсам, ҳаммаси Сизнинг шарофатингиз билан бўлаётган экан.*

*Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай уйимни шиферлаш учун барча қурилиш материаллари келтиришди ва томни ёпиб беришди.*

*Лалми майдонда сув ҳамиша муаммо бўлиб келган. Мен ҳам «томорқамда экин-тикин қилсам» дердим. Аммо сув чиқариш учун насос ўрнатиш керак. Бирака топишсин, бу муаммони ҳам ҳал қилиб беришди. Бугун томорқада сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиряпман. Даромадга уйнинг камчиликларини тўлдиряпман.*

***Ҳурматли Президент!***

*Мен бугун бахтлиман. Сиз туфайли яшашга иштиёқим ортди. Бунинг учун Сиздан беҳад миннатдорман! Борингизга шукр!*

***Чексиз ҳурмат билан,***

**Гуллола АШАКОВА**

**Зарбдор тумани**
**«Лалмикор» маҳалласи**

*Мен аёл зотини муқаддас билдим, У Момо Ҳавонинг буюк авлоди.*
*Мен аёл зотида бир жаҳон кўрдим, У барча инсоннинг маъсум бунёди...*

***Абдусаид Кўчимов***

# ҚАЛБИМ ЯНА ОРЗУЛАРГА ТЎЛМОҚДА...



*Дарднинг нима эканини бошига тушган билади. Болаларимнинг отасини ўттиз етти ёшида оғир хасталик олиб кетди... Шунга ҳам уч йилдан ошибди. Ўртада нималар бошимдан ўтди, неча марта ёниб, неча бор куйдим – ўзим биламан. Эндигина мактаб остонасига қадам қўйган икки фарзандим отасиз қолди. Қисмат шу экан, дея рози бўлдик. Яшаш керак, болаларни улғайтириш керак... Зиммамдаги масъулият оғирлашди: болаларимга ҳам она, ҳам ота бўлиш қисматимга айланди.*

*Аммо бу гаплар айтишгагина осон. Изтироб, ўкинч, соғинч ичида нима қиларимни, бошимни қаёққа уришни билмасдим. Ўғлим ва қизимни олиб, ўзим келин бўлиб тушган Сурхон диёрининг Денов туманидаги ота маконим Қоракўлга қайтишга қарор қилдим. Бир муддат отамнинг уйида яшадик. Ижарада турган пайтларимиз ҳам бўлди. Хуллас, уйдан чиққан қиз чиғириқдан ташқари, деганларидай, очиғи, уйсизликдан роса қийналдик. Бултур буйрак ва ўт пуфагимда хасталик борлиги маълум бўлгач, даволанишимга тўғри келди. Бир айлантирганни, чир айлантиради, дегани шу бўлса керак. Касаллик боис рўзғорим тортилиб қолди. Чора сифатида ҳатто Россияга мардикорликка кетишга ҳам тайёр эдим. Лекин туман маҳалла ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўлимидаги Саломат опа Комилованинг маслаҳатлари сабаб фикримни ўзгартирдим.*

*Айни ўша дамларда юртимизда Сизнинг раҳнамолигингизда «Аёллар дафтари» ҳаракати бошланди-ю, адашганимни англадим. Боқувчисини йўқотган аёл сифатида номим «Аёллар дафтари»га киритилди ва зарур ёрдамларни олдим. Пандемия авж олган чоғларда исиқхонада, кейин эса дорихонада ишладим. Қолаверса, уйли бўлдим. Ўз маҳалламиз ҳудудида кўпдан бери қаровсиз ётган, сўнг таъмирланиб ижтимоий хонадонга айлантирилган икки қаватли бинодан яшаш учун ихтиёримизга икки хонали шинам квартира берилди. Қолаверса, «Агробанк»нинг ҳудудий филиалидан ажратилган 10 миллион сўмлик кредит ҳисобидан шу йилнинг май ойида уйимиз яқинида тикувчилик цехи очдим.*

*Ҳозир ўзим каби ночор аҳволда қолган икки нафар хотин-қиз билан биргаликда иш юритяпмиз. Худога шукр, эркаклар ва аёллар кўйлаклари, зардўзи либослар ва чопон тикиш орқали мижозларимиз талаб-эҳтиёжларини баҳоли қудрат қондиряпмиз. Айни пайтда шу орқали ойига ўртача 1,5-2 миллион сўмгача даромад топаяпман. Мутасаддилар келажакда цехимизни кенгайтириш учун қирқ киши бемалол фаолият юритиши мумкин бўлган қаровсиз бир бинони ихтиёримизга ажратишни ваъда қилишди. Бундан ташқари, яқинда уч қути асалари беришди. Бу ҳам рўзғоримизнинг бир тарафини кўтариб турибди.*

*Оғир кунлар ортда қолгандай, ҳаётимизга қандайдир нур инаётгандай. Буни болаларимнинг юз-кўзларида ҳам кўраман. Олий маълумотли бўлмасам-да, ҳаётнинг аччиқ-чучугини етарлича тотиб кўрган бир аёл, она сифатида бу ишлар ўз-ўзидан бўлмаётганини мен яхши англайман; буларнинг барчаси ортида Сиз турганингизни жуда яхши биламан, Муҳтарам Президент!*

*Қолаверса, сизнинг оталарча ғамхўрлигингиз туфайли менга ўхшаган оғир ҳолдаги қанчадан-қанча хотин-қизлар, қанчадан-қанча қора кўзлар ёруғ кунларга етгани ва етаётганини ҳам яхши биламан. Шундай хулосага келдимки, сабр ва шукронада гап кўп экан. Ҳаётдан нолимасдан, келажакка ишонч билан яшаш керак экан. Ёмон кунларим ортда қолиб, ёруғ кунларга ҳам чиқиб олдик. Илгари шунчаки кун ўтса бўлди, дея яшаганман. Энди эса ҳаётим изга тушиб, орзу-ҳавасларим ортиб бормоқда. Орзу қилиш нималигини, ҳаётдан завқланиб яшаш нималигини энди тушуняпман. Табиийки, ўғил-қизимни ўқитиб, жамиятга керакли инсон қилиб тарбиялаш, тадбиркор сифатида одамларга манфаат келтириш ва бошқа ниятлар... Аслида одамга бундан юксак бахт борми?!.*

*Бизга ана шу бахтни қайтариб бераётганингиз учун ташаккур!*

***Чексиз эҳтиром билан,***

**Машҳура НАВРЎЗОВА**

**Қоракўл тумани**
**«Эски қалъа» маҳалласи**



# ЭЛГА ҚЎШГАНИНГИЗ УЧУН ТАШАККУР!

***Ҳурматли Президент!***

*Уч нафар набирали, аммо уйсиз аёл эдим. Қисмат экан, ёлғиз қизимни ҳам ўзга хонадондан узатдим.*

*...Мен ҳам бир пайтлар бир олам орзулар билан турмуш қургандим. Ота меҳрига зор бўлиб ўсганим боис оила қадрини чуқур англардим. Бирин-кетин қизим ва ўғлим туғилди. Дунёда мендан бахтиёр она йўқ эди, гўё. Аммо кажрафтор фалакнинг чархи кутилмаганда тескари айланиб кетди. Шифокорлар сил касаллиги ташхисини қўйишганида кўзимга дунё қоронғу бўлди...*

*Даволатиш, касал боқиш турмуш ўртоғимга борган сари малол келаётганини ич-ичимдан ҳис қилардим. Кун келди... Қизим билан ўғлимни олиб, акамникига қайтишга мажбур бўлдим. Бошқа борадиган жойим йўқ эди. Жигар барибир жигар-да. Яқинларим ўксик кўнглимга қарашса ҳам ичим ёришмасди.*

*Бечора, мушфиқ онам бу кўргиликлардан қийналди, эзилди. Акамнинг ҳам бола-чақасидан орттириб, бизга бошпана солиб беришга имкони бўлмади.*

*...Дунёмни ана шундай зулмат қоплаган кунларда ишчи гуруҳ келиб, шароитимиз билан танишди, муаммоларни дафтарга туширишди. Улар: «хафа бўлманг, сизни «Аёллар дафтари»га киритдик, ҳаммаси яхши бўлади», дейишди.*

*Орадан кўп ўтмай, бир гуруҳ вакиллар келиб, акам билан нималарнидир гаплашишди. Акам уларга ўз ҳовлисига тегишли ёндош майдонни кўрсатиб, нималарнидир тушунтирди. Меҳмонлар кетгач, акам «давлатимиз сенга уй қуриб берадиган бўлибди», деди.*

*Тез орада қурувчилар енг шимариб ишга киришди. Акам ҳам уларнинг ёнидан жилмай ёрдамлашди. Хуллас, қисқа фурсатда бежирим уй қад ростлади. Жуда хурсанд бўлдим, аммо кўнглим ярим эди. Чунки турмуш ўртоғимнинг хонадонидан икки боламни қўлидан етаклаб, шундоқ чиқиб кетган эдим. Менда ўзимга тегишли на кўрпа, на бир шолча бор эди. Боз устига, дардманд бўлсам. Тўрт хонали уйни турли анжомлар билан тўлдиришганида, бундай ҳимматдан бутун қишлоқдагилар «воҳ» деб юборишди. Бир мен эмас, бутун қишлоқ аҳли Сизни алқади.*

*Сиз менинг чорак асрлик саргардонлигимга ана шу тариқа чек қўйдингиз.*

*Ҳали-ҳануз ўзимга, кўзимга ишонмайман. Наҳотки, шу чиройли гиламлар, шоҳи кўрпачалар, бежирим уй меники бўлса, дея. Набираларим келганида уйим ва бағрим тўлади. Меҳмонхонамиз тўрида суратингиз бор.*

*Набираларимга «бу уйни мана шу Президент бобонгиз қуриб берган», дейман. Ўғлимнинг ёши ҳам йигирмадан ошди.*

*Насиб этса, Сиз қуриб берган шу уйга келин тушириб, элга ош бераман.*

*Элга қўшганингиз учун раҳмат Сизга!*

*Сиздан бир умр миннатдорман!*

***Ҳурмат билан,***

**Ўрингул ФОЗИЛОВА**

**Пайариқ тумани**
**«Тараққиёт» маҳалласи**

# СУЯНГАН ТОҒИМИЗСИЗ



***Ассалому алайкум, муҳтарам Президент!***

*Мен 44 ёшдаман. Ўқувчилик пайтимда (8-синфда ўқирдим) оғир бир дардга йўлиқдим. Ўшандан буён қайноқ ҳаётдан, ҳаёт гаштидан мосуво бўлганман. Ота-онам мен учун «сув келса, симириб, тош келса, кемириб» ҳар дардни ичларига ютиб келмоқда. Улар мени имкониятлари даражасида даволатиб, олти нафар ака-ука, опа-сингилларим қаторида оқ ювиб, оқ тараб, ҳеч кимдан кам қилмай вояга етказишди. Улар ҳамиша менга парвона бўлишди, ёлғиз ўғлим Жалолиддинни ҳам ўзлари катта қилишди. Ота-онам ҳеч қачон менинг хасталигимдан нолишмаган, касаллигимни бирор марта ҳам юзимга солишмаган. Аксинча, ҳар қандай инжиқлигимга чидаб, сабр билан яшаб келишмоқда.*

*Ота-онам ҳам кексайиб қолишди. Жигарларим эса ўз ҳаёти, ўз ташвишлари билан овора. Касаллигим тез-тез хуруж қиладиган вақтлар эди. Бир куни ҳовлимизга маҳалла раисининг хотин-қизлар ишлари бўйича ўринбосари Лайло Бердимуродова бир гуруҳ одамлар билан кириб келди. Улар яшаш шароитларимни синчиклаб ўрганиб, мени «Аёллар дафтари»га рўйхатга олишди. Уй-жойни таъмирлашга ёрдам берадиган бўлишди. Очиғи, яшаб турган уйимиз хароба аҳволда, ҳаттоки, деворлари ҳам сувалмаган эди.*

*Ота-онам ва мен ҳеч нарсага тушунмадик, аниқроғи, уйининг таъмирланишига ишонмадик. Чунки бу ишга катта маблағ кетарди.*

*Орадан уч кун ўтгач, эрта тонгда 2 та юк машинасида қурилиш учун зарур материаллар келтирилди. 10 нафар қурувчи ҳовлимизда таъмирлаш ишларини бошлаб юборишди. Ҳамма ҳайрон – қариндошлар ҳам, қўшнилар ҳам. Ҳаммаси, қаерга шикоят қилдинг, деб сўрашади. Бўлган гапни айтсам, қўйсанг-чи, дейишади...*

*Қисқаси, тез орада уйимиз таъмирланди. Очиғи, қишлоқнинг олди уйларидан бири бизнинг уй бўлди. Масъул шахслар уйнинг рамзий калитини менга топширишар экан «бу кўркам уй сизга ва ўғлингизга Президентимиздан совға», дейишди. Ўшанда кўзларимдан севинч ёшлари дув-дув оқарди. Мендек бир хаста, ногирон, ўз ёғига ўзи қоврилиб яшаётган аёлни ўйлайдиган ва меҳр-эътибор кўрсатадиган инсонлар борлигидан беҳад қувондим.*

***Меҳрибон Юртбоши!***

*Ҳаммаси учун Сизга ташаккур! Менга қилинган барча яхшиликларни ўз кўзи билан кўрган отам Қодир Расулов яқинда 65 ёшида омонатини Аллоҳга топширди. Отам вафоти олдидан мени ҳузурига чақириб, «Қизим 30 йил сенинг дардинг билан, сен билан бирга хаста бўлиб яшадим. Мана, ҳеч кимникидан кам бўлмаган бошпананг бор. Мен шунча йил сарғайган юзингга боқиб, қилолмаган ишни Президентимиз, яъни юрт отаси, бундан буён сенинг ҳам отанг амалга оширди. Энди суянишга арзигулик тоғинг бор. Энди орқамга қарамай кетаман...», деди.*

*Отамнинг бу далдаси ҳамон қулоқларим остида жаранглаб турибди. Отам айтганидек, энди ҳеч нарсадан хавотирланмай яшасам ҳам бўлади. Чунки ортимда Сиздек меҳрибон ва ғамхўр Юртбошим, отам бор.*

***Чексиз ҳурмат билан,***

**қизингиз Шоҳсанам РАСУЛОВА**

**Олтинсой тумани «Ҳалқобод» маҳалласи**



Жиззах вилояти

Дил сўзи

# Элу юрт ҳурмати – юксак масъулият!

**Халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами арафасида муҳтарам Президентимизнинг фармони билан давлатимизнинг юксак мукофоти – «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланишим қалбимдаги айём шукуҳини янада жўштириб юборди.**



**Нусратилла ПАРДАЕВ,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби

Бу хушхабарни эшитган лаҳзаларда кўнглимдан бир олам туйғулар ўтди. Қалбимда кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган мисли кўрилмаган ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси жўшди.

Юрт ободлиги кўнгиллар ободлигидир. Биз бу ҳақиқатни тобора теранроқ англаб етмоқдамиз. Ватанимизнинг қутлуғ тўйи олдидан амалга оширилаётган улкан буёндкорлик ишлари бу ҳақиқатни яна бир бор ҳар биримизнинг ёдимизга солмоқда.

Бундан беш йил аввал давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган туб ислоҳотлар ва ўзгаришлар замирида юрт тинчлиги, халқимиз манфаати ва фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад ётибди. Айниқса, ислоҳотлар негизида «Халқимизни рози қилайлик», деган олижаноб ғоянинг мавжудлиги мақсаднинг ҳаётбахшлигидан дарак беради. Бу ғоя барча амалий ишларни ўзига қамраб, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлик, тенглик каби умумбашарий қадриятларнинг қарор топишига асос бўлаётир. Халқни рози қилиш ғояси одамларнинг бугунги ҳаётини, бугунги турмуш фаровонлигини яхшилашга, шу билан бирга, Янги Ўзбекистонни бунёд этишда олға ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, марказдан тортиб энг олис ҳудудларда ҳам ташкил этилган Президент халқ қабулхоналари одамларни йиллар давомида қийнаб келган муаммолар ҳал этилишига йўл очди. Халқимизда адолатга ишонч уйғонди.

Иқтисодиётда кенг қўлланилаётган инновацион технологиялар, туб ислоҳотлар ҳам халқ фаровонлиги учун хизмат қилаётир. Ўзгаришлар самарасини иқтисодий тараққиётда, одамларни иш билан таъминлаш орқали камбағалликни қисқартиришда, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлашда, хуллас, барча жабҳаларда кўриш ва кузатиш мумкин.

Қабул қилинаётган қонунлар, давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари, бугунги барча саъй-ҳаракатлар туфайли халқимизнинг яшаш тарзида ўзгариб бормоқда. Масалан, биргина Жиззах вилоятининг ўзида ўтган йили хорижий инвестициялар ҳажми 12,3 баравар, экспорт ҳажми 3,2 баравар ошди. 2020-2022 йилларга мўлжалланган минтиқавий инвестиция дастури доирасида вилоятда янги лойиҳаларга 5,9 триллион сўм маблағ ажратилди ва ҳозирги кунда 465,8 миллион долларлик инвестициялар ўзлаштирилмоқда.

Вилоятни 2021-2022 йилларда янада ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш мақсадида 26,4 триллион сўмлик 489 та янги лойиҳани шакллантириш ҳамда 21 минг 185 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Шундан жорий йил якунига қадар 9,6 триллион сўмлик 440 та янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш орқали 14 мингга яқин иш ўрни яратилади.

Таъкидлаш жоизки, бу ўзгаришлар жараёнида меҳнат жамоаларининг энг яқин ҳамкори сифатида вилоят касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Ташкилотимиз аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорликни, хусусан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Иш билан банд бўлмаган фуқароларни замонавий касб-ҳунарларга ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилаётган ва барча жойда изчил амалга оширилаётган бугунги ислоҳотлар касаба уюшмалари зиммасига ҳам катта масъулият юкламоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши ҳам масъулиятли вазифаларни амалга оширишда бор куч ва имкониятини ишга солиб келаётир.

Бу мукофот, аввало, ишонч демакдир. Камтарона меҳнатимга юқори баҳо берилиб, давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирланганим мени янада самарали меҳнат қилишга руҳлантирмоқда.

Фарғона вилояти

**Бугун ўзимни дунёдаги энг бахтли инсонлардан бири деб ҳисоблайман. Сабаби, камтарона хизматларим юксак қадрланиб, мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрами арафасида Президентимиз фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан тақдирландим.**

# ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ



**Эркинжон НУРАЛИЕВ,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши раиси, «Дўстлик» ордени соҳиби

Ушбу мукофот нафақат менинг камтарин меҳнатимга, балки мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилоти бўлган Ўзбекистон касаба уюшмаларининг фаолиятига берилган юксак баҳо, деб биламан. Албатта, бу эътироф бизни янада шижоат билан ишлашга чорлайди. Бу мукофот мен учун, аввало, юксак эътироф ҳамда масъулиятдир.

Қўлга киритилган ютуғим бевосита касаба уюшмалари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли касаба уюшмалари фаолиятига тўхталмасликнинг иложи йўқ. Касаба уюшмаларининг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти тобора юксалиб бормоқда. Буни давлатимиз раҳбарининг ўзлари ҳам эътироф этиб, 11 ноябрни «Касаба уюшмалари куни» этиб белгилашни таклиф қилганида ҳам кўриш мумкин.

Мен бугун мана шундай нуфузли ташкилотда меҳнат қилаётганимдан, юртимиз эришган улкан муваффақиятларга оз бўлса-да, ҳиссам қўшилганидан жуда хурсандман.

Мукофотдан куч олиб, бундан буён ҳам Ватанимиз тараққиёти ва халқ хизмати йўлида фидокорона меҳнат қилиб, янги Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Навоий вилояти

# Бахти бор элнинг бахтиёр аёлиман!



**Анора БОБОМУРОДОВА,**
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

**Олтмиш ёшдан ошганингда муҳтарам Президентимиз назарига тушиш ва камтарона меҳнатларинг инобатга олиниб, «Эл-юрт ҳурмати» орденига лойиқ кўрилиш бениҳоя қувончли экан.**

Инсон ўз юрти ва халқига дахлдор эканини ҳис қилиб яшаса ва ишласа, меҳнатда унум бўлади. Ҳозир дилимни кўтаринки кайфият чулғаб, «бундан буён фаолиятни янада кучайтириш керак», деган фикр хаёлим буткул эгаллаб олган.

Мен салкам 10 йилдан буён Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши тизимида ишлаб келяпман. Кўрганим, кузатганим шу бўлдики, кейинги йилларда тизимда жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Биз Президентимиз ташаббуси билан узоқ йиллар жамиятдан четда қолиб кетган аёллар ҳаётини тубдан яхшилаш мақсадида олиб борилаётган эзгу ишларга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан беҳад мамнунмиз.

Шу кунга қадар Навоий вилоятида эҳтиёжманд минглаб аёллар билан учрашдим. Бугун уларнинг ҳаёти ўзгаряпти, орзу-ҳаваслари қайта уйғоняпти, кўзлари куляпти, кўнгиллари қувнаяпти. Буларнинг барчаси мамлакатимиздаги буюк ўзгаришлар натижасидир.

Касбим ўқитувчи бўлгани учунми келажак ҳақида кўп ўйлайман. Ишонаманки, бугунги ёш авлод юрт равнақи йўлидаги улуғ ишларни биздан-да шижоатли ва фаол бўлиб давом эттиради. Чунки бунга асос бор, пойдевор аллақачон яратилган.

Ҳа, ҳаётимиз шиддат билан ўзгариб, юртдошларимизнинг кайфияти, руҳияти, фаоллиги тобора кўтарилиб бормоқда.

Бизда ҳеч ким эътибордан четда қолаётгани йўқ. Мен ҳам уларнинг бири эканлигимдан мамнун ва миннатдорман. Мен бахти бор элнинг бахтиёр аёлиман.

Муносабат



**Маҳмуджон ПАРПИЕВ,**
Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

# 5 ЙИЛНИНГ 30 МЎЪЖИЗАСИ

*Президентимизнинг «Янги Ўзбекистон» газетасига берган интервьюсини ниҳоятда катта қизиқиш билан ўқидим.*

Эътибор берилса, интервьюда амалга оширилган ислоҳий ўзгаришлар сони ўттиздан ортиқ. Нафсиламбрини айтганда, ўтган беш йил кунма-кун таҳлил қилинса ҳам бирор кун беиз кетмаганининг гувоҳи бўламиз. Интервью, шунингдек, ўқувчига кучли рағбат беради, ҳар бир сўз ва ибора юртга, Ватанга меҳр ва садоқатни бахш этишга ундайди. Шу ўринда мамлакатимиз ташқи сиёсат борасида, хусусан, яқин қўшничилик муносабатларида эришган мисли кўрилмаган натижалар ҳақида сўзлагим келади.

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида иш бошлаган дастлабки кунларданоқ ташқи сиёсатда бутунлай янги саҳифа очилди. Раҳбаримиз дипломатиянинг расмий қолипларига эмас, тарихий ҳақиқатга, қадрият даражасига кўтарилган ўзбекона очиқ чеҳралик, самимиятга асосланган, конструктив шерикликка қаратилган муносабатларни қарор топтирди.

*Мамлакатимиз Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган ва атрофидаги давлатлар билан қон-қардош бўлиб яшаган. Минтақанинг марказида жойлашув халқимизни қадимдан қўни-қўшнилар билан аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга ўргатган. Тили яқин, дини битта, урф-одатлари деярли бир хил халқлар ўзаро тинч-тотув яшаган.*

Мамлакатимиз Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган ва атрофидаги давлатлар билан қон-қардош бўлиб яшаган. Минтақанинг марказида жойлашув халқимизни қадимдан қўни-қўшнилар билан аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга ўргатган. Тили яқин, дини битта, урф-одатлари деярли бир хил халқлар ўзаро тинч-тотув яшаган.

Масалан, ўтган асрнинг 70-80 йилларида Наманган вилоятининг шимолида қўшни Қирғизистон билан рамзий чегара бўлар, қўшнилар яйловларда етиштирган қаймоғу сариёғини, ортиқча қўй-қўзисини Чортоқ, Янгиқўрғон, Чуст, Косонсойдаги, айниқса, Намангандаги бозорларга келтирар, топган пулига этик-маҳси, рўзғорига зарур ашёларни ҳунармандлардан сотиб олиб, дўст-жўралари билан чойхўрлик қилиб қайтишарди.

Мустақиллик йилларининг бошларида бир муддат сақланиб турган қўшничилик муносабатларига кўз тегди. Жумладан, юртимизда, қўшни давлатларда ҳам турли кучларнинг бош кўтариши, тинч ижтимоий ҳаётга рахна солишга уринишлар оқибатида чегаралар ёпилди, назорат кучайтирилди. Орадан йиллар ўтди. Мамлакатимизда, жумладан, қўшниларда ҳам тинчлик-осойишталик қарор топди. Бироқ чегараларда вазият юмшамади. Аксинча, бундай жойларда тўрачилик авж олди, коррупция кучайди.

Юзага келган бу ҳолат, аввало, давлат чегаралари яқинида яшайдиган аҳоли учун катта қийинчиликларни келтириб чиқарди. Ота-боболар удумига кўра, кимдир қўшнига қиз берган, симтўсиқ ортидаги бошқа бир қадрдон Ўзбекистонга қиз узатган. Ишқилиб, олдинги борди-келдиларнинг иложи йўқ, халқларимиз жуда қийналаётган эди.

Шу ўринда ўзим гувоҳи бўлган бир ҳолатни баён қилсам. 2015 йил эди. Наманган вилоятида Наврўз байрами арафасида қўшни Қирғизистонда анклав шароитида яшайдиган 100 хўжалик атрофидаги ҳамюртларимизни йўқлашга қарор қилинди. Рўзғорлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари, болажонлар учун ноз-неъматлар, газета, журнал, янги китоблар, газ баллонлари дегандек, қатор машиналарда карвон ташкил қилдик. Биз – халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ташкилотлари мутасаддилари, санъаткорлардан иборат гуруҳ яхши ниятлар билан чегара постига етиб келдик. Рўйхатлар аввалдан берилган, расмий жиҳатлари кўриб чиқилган бўлса-да, биз чегаранинг у ёғига ўтолмадик. Ўша даврда икки томонлама муносабатлар жуда таранг эди. Икки сутка кутилди, лекин чегарадан ўтишнинг иложи бўлмади. Вилоят раҳбарлари, республика идоралари аралашса ҳам вазият ижобий томонга ўзгармади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йилдаёқ минтақада юзага келган вазиятни юмшатишга қатъий ирода билан киришди. Ўтган беш йилда Марказий Осиёда ўзаро биродарлик ва ўзаро ҳурмат, самимий қўшничилик муносабатларига асосланган стратегик шериклик тамойиллари қарор топди.

Агар эсласангиз, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти бўлиб фаолият бошлаганига бир йил тўлмасданоқ ўзининг конструктив ва ёрқин ташаббуслари билан минтақадаги аҳволни тубдан ўзгартирган эди. Узоқ йиллар ҳал бўлмай ётган чегара, борди-келди доирасидаги муаммолар ечим топди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг яқинда Туркманистонда бўлиб ўтган навбатдаги Маслаҳат учрашуви ўзаро шериклик ришталарининг янада мустаҳкамланишига туртки берди, айниқса, минтақада яшовчи 70 миллиондан ортиқ аҳолининг турмуш тарзига янгича мазмун-моҳият бахш этди.

Президентимизнинг дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ташаббуслари Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларидаги барча халқлар манфаатларига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Биринчидан, бу минтақалар ва уларда яшовчи халқларни бир-бирига янада яқинлаштиради, ўзаро ишонч ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди. Иккинчидан, Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилаётган масалалар моҳиятан стратегик шериклар учун ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Учинчидан, халқаро масалалар доирасида Ўзбекистон таклиф қилаётган ташаббуслар ва ечимлар минтақамизнинг тинчлик-осойишталигига хизмат қилади.

Эълон

## «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки акциядорлари диққатига!

# ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

**«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2021 йил 21 сентябрь куни соат 11:00 дан бошлаб, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй манзилида жойлашган «Микрокредитбанк» АТБ мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.**

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Уставига ўзгартиришлар киритиш.

«Микрокредитбанк» АТБ Кузатув кенгашининг 2021 йил 27 август кунги мажлиси қарорига асосан, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2021 йил 15 сентябрь куни ҳолатига ҳамда умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун акциядорлар реестри 2021 йил 27 август куни ҳолатига тузилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2021 йил 21 сентябрь куни соат 10:00 дан 10:50 гача давом этади.

Акциядорлар умумий йиғилишда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашади, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши видеоконференц-алоқа тарзида ўтказилса, бу ҳақда қўшимча маълумот берилади.

Йиғилиш ўтказиш бўйича қўшимча ахборот, унда кўриладиган масалаларнинг ҳужжатлари билан юқоридаги манзилга ва қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилиш ҳамда банкнинг корпоратив веб-сайти (www.mikrokreditbank.uz) орқали танишиш мумкин.

**Тел:** 998 (71) 202-99-99 (1316, 1317)

**Банк Кузатув кенгаши**

Сарҳисоб

# Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

**Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигини муносиб кутиб олиш ва нишонлашда мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда.**

Хусусан, Давлат мустақиллиги байрамини барча меҳнат жамоаларида кенг нишонлаш мақсадида бошланғич касаба уюшма қўмиталари томонидан ходимлар ўртасида бугунги тинч ва осуда ҳаётимизга шукроналик туйғусини кучайтиришга қаратилган туркум тадбирлар ўтказилмоқда.

Уларда фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича эришилаётган натижалар, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, бизнес юритиш шартларини енгиллаштириш, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик, ҳунармандчиликни рағбатлантириш учун яратилаётган янги имкониятлар хусусида сўз бормоқда.

Шунингдек, «Аёллар дафтари» юзасидан амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг амалий натижалари тўғрисидаги маълумотлар аҳолида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Барча маданий-маърифий, оммавий ва спорт тадбирлари пандемия шароитида карантин талабларига риоя этган ҳолда ўтказилаётганини ҳам алоҳида таъкидлашимиз жоиз.

Бугунги кунда касаба уюшма ташкилотлари томонидан «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашлари ва тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг ҳар бири томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб ҳудудларда ўттизтадан янги иш ўринларини ташкил этиш ишлари қизғин давом этмоқда. Меҳнат жамоаларида ташкил этилаётган байрам тадбирларига корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаб кетган меҳнат фахрийлари таклиф этилиб, дилдан суҳбатлар ташкил этилмоқда.





Айни кунларда турли соҳа ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида «Мустақиллик кубоги» мусобақалари, «Спорт – саломатлик гарови» шиори остидаги 4 босқичли спартакиадалар ўтказилмоқда. Уларда нафақат меҳнаткашлар, балки уларнинг оила аъзолари ҳам иштирок этмоқдалар. Фаолияти давом этаётган болалар соғломлаштириш оромгоҳларида эса 5 та муҳим ташаббус ғояларини ўзида мужассам этган мусиқа ва санъат йўналишидаги кўрик-танловлар, китобхонлик кунлари, викториналар, шунингдек, «Мустақиллик – менинг тақдиримда», «Шу Ватанга бордир менинг керагим», «Озод эл фарзандиман» номли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Республикамиз Мустақиллигининг 30 йиллиги байрамига бағишлаб касаба уюшмалари томонидан ташкил этилаётган тадбирлар қаторидан «Меҳнат ҳуқуқингизни биласизми?» онлайн викторинаси ҳам ўрин олган. Ушбу викторинада ўрта, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари фаол иштирок этмоқда.

Меҳнат жамоаларида «Маърифат соатлари»га эса бугунги кунгача 3 миллионга яқин турли соҳа ходимлари жалб этилди.

Республикамиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб жойларда касаба уюшмалари томонидан ташкил этилаётган тадбирлар кўтаринки руҳда давом этмоқда.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари

---

*Тошкент вилояти*

**«Ҳудудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшма қўмитаси истиқлолнинг ўттиз йиллигини ўзгача руҳда нишонламоқда. Шодиёнага Нефть ва газ саноати ходимлари куни ҳамда «Ҳудудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали ташкил топганлигининг 50 йиллиги байрамлари уланиб кетди.**

Шукуҳ

## Байрамлар байрамга уланиб...

Қўшалоқ байрамлар арафасида тизимда узоқ йиллар ҳалол, самарали ва фидокорона меҳнат қилган 136 нафар ишчи-ходим маъмуриятнинг фахрий ёрлиқ ва касаба уюшма қўмитасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

– Соҳада кўп йиллар ҳалол меҳнат қилиб кам бўлганим йўқ, – дейди Бекободшаҳаргаз бўлими ходими Мирзаходжа Бахрамходжаев. – Қилган меҳнатинг қадрланиб, раҳбарият ва касаба уюшмаси томонидан эътиборга олингани ишда фаол бўлишга, корхона, юртимиз ривожига янада кўпроқ ҳисса қўшишга ундайди.

Бундан ташқари, тизимда узоқ йиллар ҳалол ва самарали меҳнат қилган, моддий ёрдамга муҳтож, кам таъминланган, ногиронлиги бор ишчи-ходимлар, пенсионерларнинг 130 нафари ҳолидан хабар олиниб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

– Мен каби оддий касб эгасига бўлган бундай эътибордан бошим кўкка етди, – дейди «Нурафшоншаҳаргаз» бўлими қоровули Муҳаммадамин Неъматуллаев. – Бизни ўйлаётган, ташкилот ривожи учун жон куйдираётган, эл дарди билан яшаётган инсонлар доимо соғ-омон бўлсин.

**Собиржон МУСАЕВ,**
«Ҳудудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшма қўмитаси мутахассиси

Кўрик-танлов

## Ғолиблар аниқланди

**Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши тизимидаги бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.**

Ғолибларни аниқлашда қатнашчиларнинг иш берувчилар билан ҳамкорликда жамоа шартномалари бандлари бажарилишига эришгани, янги иш ўринлари ва ходимлар учун хавфсиз, қулай меҳнат шароитлари яратгани, соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт ишларининг самарадорлиги каби жиҳатларга эътибор қаратилди.

Аъзолари 100 нафардан кам бўлган бошланғич ташкилотлар бўйича биринчи ўрин «Avtoolam» МЧЖ журнали таҳририяти бошланғич касаба уюшма ташкилотига, 2- ва 3-ўринлар «Samarqand avtosavdo» МЧЖ, «UzEraeCable» МЧЖ ҚК бошланғич касаба уюшма ташкилотларига насиб этди.

Аъзолари 100 нафардан кўп бўлган бошланғич ташкилотлар бўйича ғолибликни «Uz Koram-Co» МЧЖ бошланғич касаба уюшма ташкилоти қўлга киритди. «Uzavtomotors Powertrain» АЖ ва «Avtooyna» МЧЖ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари 2- ва 3-ўринларга эга чиқишди.

**Ўз мухбиримиз**

---

*Фарғона вилояти*

Фаолият



## Эзгу ишлар ҳосиласи

**Фарғона туманидаги Қораёнтоқ қишлоғи қўшни Қирғизистон давлати билан чегара ҳудудда жойлашган. Бу ердаги 25-умумтаълим мактабида ўзбек ва қирғиз миллатига мансуб ўғил-қизлар таълим олади.**

Куни кеча Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси томонидан мустақиллигимизнинг 30 йиллиги ҳамда янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан бу ерда таълим олаётган 30 нафар ўқувчига ўқув-қуроллари топширилди.

– Қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар ҳар бир ўқувчи давлатимизнинг доимий эътиборида, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Лолахон Аҳмедова. – Биз тармоқ касаба уюшма вакиллари Фарғона вилоятининг энг чекка ҳудудларидаги мактабларда таҳсил олаётган тожик, қирғиз, қорақалпоқ миллатига мансуб ўғил-қизларга ўқув-қуроллари топширмоқдамиз. Бундан ташқари, яна 30 нафар ўқувчига аталган совғалар Ёзёвон туманининг «Мустаҳкам дўстлик» ҳудудидаги қорақалпоқ миллатига мансуб ўғил-қизлар таҳсил олаётган 35-умумтаълим мактабига ҳам етиб борди.

– Уч нафар фарзандим қишлоғимиздаги 35-умумтаълим мактабида таҳсил олмоқда, – дейди Ёзёвон туманининг «Мустаҳкам дўстлик» МФЙда яшовчи Шохиста Мирзаева. – Бугун уларга касаба уюшмалари томонидан ўқув-қуроллар жамланмаси топширилди. Бундай эътибордан бошим кўкка етди. Айниқса, фарзандларимнинг қувончи чексиз.

Айни пайтда вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳарларида бу каби хайрли тадбирлар давом этмоқда.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
«ISHONCH»

---

*Сурхондарё вилояти*

Касаба уюшмаси аралашгач...

## Маош нега тўланмаган эди?

**Шеробод туманида яшовчи 4 нафар фуқаро Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига «Сурхон агрохизмат» кластеридан апрель, май, июнь, июль ойлари учун ойлик иш ҳақларини ҳамда ҳисоб-китоб пулларини ундириб беришни сўраб мурожаат қилишди.**



Мурожаат Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, У.Норқулов, Ж.Исмоилов, С.Норқулов ва Ғ.Содиқов Шеробод туманида жойлашган «Сурхон агрохизмат» кластерининг Қизириқ туманидаги пахта тозалаш заводини қўриқлаш вазифасида ишлаб келган.

2021 йилнинг август ойида улар билан тузилган меҳнат шартномаси ишчиларнинг хоҳишига кўра бекор қилинган. Аммо У.Норқуловга жорий йилнинг апрель, май, июнь ва июль ойлари учун иш ҳақлари ҳамда фойдаланилмаган меҳнат таътили учун жами 11.099.972.18 сўм, Ж.Исмоиловга 13.128.966.36 сўм, С.Норқуловга 11.017.054.84 сўм, Ғ.Содиқовга эса 3.918.825.76 сўм июль ойи учун иш ҳақи ҳамда бошқа ҳисоб-китоб пуллари ўз вақтида тўлаб берилмагани аниқланди.

Меҳнат қонунчилиги батафсил тушунтирилгач, аризачиларга барча тўланмаган ойлик иш ҳақлари ва бошқа ҳисоб-китоб пуллари тўлаб берилди.

**Зариф ХОЛОВ,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

---

*Сирдарё вилояти*

Мусобақа

## Соғлом турмуш тарғиботи

**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши ва Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорликда мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида спорт мусобақаси ўтказди.**

Вилоятнинг 11 та туман тиббиёт бирлашмаси ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалидан 180 нафар ходим спортнинг 6 тури бўйича беллашди.

Якуний натижаларга кўра, волейбол баҳсларида Сардоба тумани тиббиёт бирлашмаси ходимларининг қўли баланд келди. Стритбол мусобақасида Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмаси пешқадамликни қўлдан бермади. Стол теннисида Боёвут тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Покиза Лапасова зафар қучди. Оммавий спорт турига айланган шашка турида Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Азиза Нуритдинова мутлақ ғолиб деб топилди.

– Спорт инсонни ёшартиради, – дейди Оқолтин тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари Ёқубжон Бердиёров. – Бугунги спорт байрами чарчоқларимизни ёзди, кучимизга куч қўшди. Бунинг учун ташкилотчиларга раҳмат.

Мусобақа иштирокчиларига вилоят кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Раъно АБДАЛИМОВА,**
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши раиси



*Сурхондарё вилояти*

**Сариосиё тумани марказида «Беҳруз Қурбонов» номидаги кичик корхона ташкил этилди. Унга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши 10 миллион сўм миқдорида ҳомийлик кўмаги кўрсатди.**

**Касаба уюшмалари кўмагида**

## Янги иш ўринлари қандай яратилмоқда?



Тадбиркорнинг ўз маблағидан 60 миллион сўм сарфланди. Натижада, нон пишириш ҳамда қандолат маҳсулотлари тайёрлаш учун асбоб-ускуналар сотиб олиниб, 5 нафар «Аёллар дафтари»да қайд этилган хотин-қиз ишга қабул қилинди.

Денов туманидаги «Беш ўғлон Мамадалиевлар» МЧЖга қарашли бино таъмирланиб, умумий овқатланиш хизмати йўлга қўйилди. Шу мақсадда касаба уюшмалари 12 миллион сўм, тадбиркор эса 80 миллион сўм маблағ сарфлади. Корхона фаолиятини ривожлантириш учун асбоб-ускуналар, махсус ўчоқ-қозонлар сотиб олиниб, 5 нафар «Аёллар дафтари»да рўйхатда турганлар муқим ишли бўлди.

Бойсун туманидаги «BOYSUN ORIGINAL SWEETS» МЧЖга ҳам 15 миллион сўм касаба уюшмалари, 70 миллион сўм тадбиркор томонидан маблағ ажратилди. Натижада, қандолатчилик хизмати йўлга қўйилиб, 5 нафар хотин-қиз ишли бўлди.

Олтинсой тумани марказида «SERDSE MIRA» МЧЖга ҳам касаба уюшмаларидан 30 миллион сўм, тадбиркор ҳисобидан 120 миллион сўм маблағ ажратилиб, нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш учун корхона ихтиёридаги бино таъмирланди ва асбоб-ускуналар билан таъминланди. Ҳозирда бу ерда 30 нафар «Аёллар дафтари»да ҳисобда турган аёл меҳнат қиляпти.

**Мухтор АНОРБОЕВ,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши бўлим мудири

## Тадбиркор – мамлакат таянчи

**Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси «ALUTEX» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан «Тадбиркор – мамлакат таянчи» мавзусида маданий-маърифий тадбир ўтказди.**

Фаолиятини 2003 йилда бошлаган ушбу жамоада дастлаб 40-50 нафар киши ишлаган бўлса, бугунги кунда 600 нафардан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилмоқда.

– Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорларга кўплаб имтиёзлар яратиб берилмоқда, – дейди корхона бош технологи Илҳом Эшбоев. – Улардан самарали ва оқилона фойдаланаётган ишбилармонларнинг иши янада юришиб, даромадлари кўпаймоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолини муқим иш ўринлари билан таъминлашга ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Биз шуни назарда тутиб, корхонамизда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни босқичма-босқич кенгайтириш чораларини кўряпмиз. Масалан, яқинда уни замонавий асбоб-ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозладик. Шу жараёнда 20 та янги иш ўрни очдик.

Тадбирда корхона ва Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси томонидан фаол ишчи-ходимларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Комила БОЙМУРОДОВА.**
«ISHONCH»

# Нозим ҲУСАНОВ,
## Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири:



# БИЗ ИШСИЗЛИККА ШАХСИЙ МУАММО ДЕБ ҚАРАМАЙМИЗ

**Ҳамон давом этаётган пандемия, ишсизлик, аҳоли сони ўсиб бораётгани Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги олдида турган вазифалар аҳамиятини оширмоқда. Ўз навбатида, халқ орасида ушбу тизимга тааллуқли саволлар ва мурожаатлар кўпайган. Биз шуларни назарда тутиб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим ҲУСАНОВни эксклюзив интервьюга чорладик.**

**– Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Тони Блэр «Ишсизлик ҳар бир инсоннинг шахсий муаммоси», аниқроғи, ўз устида ишламаслик, чуқур билимга эга бўлмаслик, мослашувчанлик лаёқати йўқлигидандир», деган эди. Вазир сифатида бу фикрни қандай баҳолайсиз?**

– Ишсизлик – кенг қамровли тушунча. Унда ҳар бир шахснинг ўзига боғлиқ жиҳатлар ҳам бор. Чунки одамда хоҳиш-ирода бўлса, истаган ишини топади, меҳнат билан топган даромадига ўзининг ва оиласининг талаб-эҳтиёжларини қондиради. Демак, ҳамма нарса истакка боғлиқ. Шунинг учун ҳам юқоридаги фикрларга қўшилиш мумкиндир. Аммо биз бугун ишсизликка шахсий муаммо эмас, балки ижтимоий масала деб қарамоқдамиз. Ва бу ҳам бир жиҳатдан адолатдандир.

**– Мамлакатимизда ишсизликни камайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ишларига хусусий меҳнат агентликлари ҳам жалб этилган. Бу қандай самара бермоқда?**

– Давлатнинг ҳамда тегишли давлат органларининг вазифаси фуқароларга яшашлари ва меҳнат қилишлари учун қулай шарт-шароит, зарур имконият яратишдан иборат. Шунинг учун мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш бўйича давлат дастурини қабул қилиш масаласига халқаро тажрибалар асосида ёндашилмоқда. Бу мақсадга эришиш учун давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳам, хусусий бандлик агентликларининг ҳам имкониятларидан оқилона фойдаланиш лозим.

Аксарият ҳамюртларимиз Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги зиммасига аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринлари очиш вазифаси юклатилган, деб ўйлашади. Бу – нотўғри тушунча. Чунки вазирлигимиз янги иш ўринлари яратмайди, балки ҳудудларда очилаётган иш ўринларига фуқароларимизни мослаштириш ва уларга жойлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланади. Навбатдаги асосий вазифамиз эса меҳнат қонунчилиги амалда қўлланилишини ва унга риоя этилишини назорат қилиб боришдан иборат.

**– Тадқиқотчилар меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг 5 та – Америка, Скандинавия, англосаксония, немис ва япон моделларидан фойдаланишни таклиф қилишади. Биз уларнинг қай биридан ўрганишимиз мумкин?**

– Бу моделлар замирида битта мақсад мужассам, у ҳам бўлса – ҳар бир фуқарога ишлаш учун имконият ва шароит яратиб бериш. Масалан, Венгрияда ишсизлик даражаси анча паст – 3,5-5 фоиз атрофида. Мен ушбу давлатнинг юртимизга ташриф буюрган иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчисидан «Бундай натижага қандай қилиб эришгансизлар?», деб сўрадим. У «Биз, аввало, фуқароларимизга хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни ўргатдик, сўнгра зарур имкониятларни муҳайё этдик ёки бошқа кенгроқ молиявий инструментлардан фойдаланишларига ёрдамлашдик. Пировардида, бу ўзини оқлади», деб жавоб берди. Аслини олганда, бу тамойил ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг аксариятида олтин қоидага айланган.

**– Бизда аҳолининг ўсиш коэффициенти янги иш ўринлари яратиш натижаларига нисбатан анча баланддек, имкониятларимизга тўғри келмаётгандек туюлади...**

– Ҳар йили ўртача 600-650 минг нафар ёшлар меҳнат бозорига кириб келади ва ўз-ўзидан янги иш ўринларига эҳтиёж кучаяди. Давлатнинг вазифаси – уларга имконият, иш жойлари яратиб бериш. Ўтган йили пандемия шароитида ҳам республикамиз бўйича 400 мингга яқин янги иш ўрни очилди. Аммо бу эҳтиёжга нисбатан 200-250 мингта кам. Оқибатда меҳнат миграцияси пайдо бўлади. Мавриди келганда эслатиб ўтай, вазирлигимизнинг яна бир вазифаси чет элларда ишламоқчи бўлган ёшларга амалий ёрдам кўрсатишдир.

**– Яқинда ижтимоий тармоқларда мамлакатимизда ишсизлар сони 1,5 миллион нафарни ташкил этиши ҳақида маълумотлар тарқалганда, аҳолида уларга нисбатан ишончсизлик уйғонганини сездим. Ишсизлик ҳақидаги статистика асл ҳолатни бизга қанчалик аниқ кўрсатиб бера олади?**

– Ишсизликни юз фоиз аниқлаш анча қийин. Танланма сўров усули асосида аниқланадиган методика ҳам Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан тан олинган. Аммо юз фоиз қатъий маълумотга эга бўлишнинг ҳам йўли бор.

Маълумки, ҳозир фуқароларни тиббий суғурталаш жараёнига ўтилмоқда. Унга кўра, фуқаро балоғат ёшига етгач, мажбурий тиббий суғуртадан ўтказилади. Натижада, ҳар бир фуқаро тўғрисида электрон рақамли кўринишдаги маълумот пайдо бўлади. Юртимизда бу тизимга тўлиқ ўтилса, ҳамюртларимиздан қанчаси расмий ёки норасмий ишлаётганини билиш мумкин. Чунки бизда ишлаяпти деган кўрсаткичларга катта салбий таъсир кўрсатадиган омиллардан бири норасмий бандликдир. Вилоятларга бориб, хонадонларда сўровлар ўтказганимизда, оила аъзоларидан баъзилари аслида бирор жойда норасмий равишда ишлаётгани ва озми-кўпми даромад топаётгани маълум бўлади. Демак, биз норасмий бандликни қанча қисқартирсак, ишсизлик бўйича аниқ рақамларга шунча тез эга бўламиз.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ИШЧИ КУЧИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА 16 ТА ДАВЛАТ, ЖУМЛАДАН, ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ШАРТНОМА ИМЗОЛАГАН. БУ ФАОЛИЯТ 2015 ЙИЛДАН ЭЪТИБОРАН ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН БЎЛИБ, ҲАР ЙИЛИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ТОМОНИДАН КВОТА БЕРИБ КЕЛИНАДИ. ЎЗБЕКИСТОНГА 3200 ТА КВОТА БЕЛГИЛАНГАН ЭДИ, ЛЕКИН ПАНДЕМИЯ ТУФАЙЛИ ЧЕГАРАЛАР ЁПИЛДИ ВА АТИГИ 3,1 ФОИЗ ФУҚАРОЛАРИМИЗ ЎША ИШ ЖОЙИГА ЕТИБ БОРИШДИ.

**– Ўтган ойда мавсумий ишларга жалб этиш учун бериладиган малака талаб этилмайдиган, 4 йилу 10 ой ишлаш имконини берадиган Э 8 ва Э 9 визаларида юзага келган муаммоларни ҳал этиш учун Кореяга бордингиз. Натижалар қандай бўлди?**

– Жанубий Корея ишчи кучини жалб қилиш бўйича 16 та давлат, жумладан, Ўзбекистон билан шартнома имзолаган. Бу фаолият 2015 йилдан эътиборан йўлга қўйилган бўлиб, ҳар йили Жанубий Корея томонидан квота бериб келинади. Ўзбекистонга 3200 та квота белгиланган эди, лекин пандемия туфайли чегаралар ёпилди ва атиги 3,1 фоиз фуқароларимиз ўша иш жойига етиб боришди.

Бугунги кунда 1600 нафардан ортиқ ҳамюртимиз тил имтиҳонларидан ўтган ва иш берувчилар томонидан танлаб олинган. Қўлларида меҳнат шартномалари бор. Бироқ Кореяга боришлари учун имконият туғилгани йўқ. Айрим кишилар буни гўёки биз тўсқинлик қилганимиз сабабли деб тушунишди. Аслида эса Корея томон тўхтатиб турибди. Бизнинг улар билан олиб борган музокараларимиз фойда бермади. Шу боис делегациямиз билан 4 кун у ерда бўлиб, аввало, Меҳнат вазири, сўнгра Адлия вазирлиги ва ушбу вазирлик қошидаги миграция бюроси комиссиялари аъзолари, шунингдек, янги йўналиш бўйича қишлоқ хўжалиги вазири билан учрашдик. Улар меҳнат таклифлари тўхтаб қолганига фақат пандемияни сабаб қилиб кўрсатишди. Вазият яхши томонга ўзгарса, бу масала махсус комиссия томонидан кўриб чиқилишига ва ишлар яна давом этишига ваъда беришди.

Ўзаро мулоқотларимиз чоғи миграция бюросидагилар бир гапни айтиб қолишди. Бу мамлакатга турли давлатлардан кўплаб ишчи кучи жалб этилган. Масалан, бугунги кунда Филиппиндан келган 60 минг нафар фуқародан атиги 2200 нафари, индонезиялик 69 минг нафар муҳожирнинг бор-йўғи 1900 нафари, Ўзбекистондан борган 40 мингга яқин кишининг эса 13 минг нафари ноқонуний равишда меҳнат қилар экан. Бу – жуда ачинарли ҳолат.

Шунинг учун биз кореялик ҳамкорларимизга ноқонуний иммиграциянинг олдини олишга, биргаликда иш юритишга тайёр эканимизни айтдик.

**– Эҳтимол, бу муаммога ечим топиш учун Кореяга ишга боришни соддалаштириш керакдир?**

– Ушбу механизм ҳозир жуда ҳам оддий. Агар сиз Жанубий Кореяга бориб ишламоқчи бўлсангиз, тилни билишингиз керак. Бу бўйича энг минимал талаб бор. Тилни бизнинг ўқув марказларимизда ўрганишингиз мумкин. Ҳаммаси жуда шаффоф тарзда кечади. Тест онлайн тарзда компьютер орқали топширилади, барча жараёнлар веб-камера орқали кўриниб туради. Ҳатто Корея томони ҳам кузатиб бора олади. Ҳеч қандай қоғоз керак эмас, таниш-билишчилик деган нарса йўқ. Биз мутахассислигингиз бўйича анкета тўлдириб, маълумотларингизни электрон базага жойлаймиз. Уни сиз ҳам, Кореядаги иш берувчилар ҳам кўришлари мумкин. Сўнгра маълумотларингиз умумий базага киритилади ва кореялик иш берувчилар улар билан танишадилар. Мабодо сизни танлашса, номингизга таклифнома келади ва йўлланма берилади, тамом-вассалом!

**– Шартларни ким қўяди?**

– Бу ерда тил билиш талабидан бошқа ҳеч қандай шарт йўқ. Албатта, бирор соҳада малакаси бўлса, бу меҳнат муҳожирига қўшимча устунлик беради. Айни чоғда, иш берувчилар ёшга ҳам қарайдилар.

Биз хизмат сафари чоғида янги йўналиш бўйича ҳам музокаралар олиб бордик. У мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларидир. Жанубий Кореянинг талай ҳудудларида ишчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган иссиқхоналар мавжуд. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги масъуллари уларда ишлаш учун йилига ўртача 5 минг нафар ишчи кучи кераклигини айтишди. Биз уларнинг 4 та ҳудудий ҳокимликлари билан шартнома имзоладик. Ҳозиргача 400 нафардан ортиқ ҳамюртимиз шу асосда ишлаш учун юборилди.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ИШЧИ КУЧИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА 16 ТА ДАВЛАТ, ЖУМЛАДАН, ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ШАРТНОМА ИМЗОЛАГАН. БУ ФАОЛИЯТ 2015 ЙИЛДАН ЭЪТИБОРАН ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН БЎЛИБ, ҲАР ЙИЛИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ТОМОНИДАН КВОТА БЕРИБ КЕЛИНАДИ. ЎЗБЕКИСТОНГА 3200 ТА КВОТА БЕЛГИЛАНГАН ЭДИ, ЛЕКИН ПАНДЕМИЯ ТУФАЙЛИ ЧЕГАРАЛАР ЁПИЛДИ ВА АТИГИ 3,1 ФОИЗ ФУҚАРОЛАРИМИЗ ЎША ИШ ЖОЙИГА ЕТИБ БОРИШДИ.

Бу визанинг яна бир ижобий томони шундаки, унга Адлия вазирлиги қошидаги миграция бюроси томонидан рухсатнома берилади. Қолаверса, иш берувчи ётоқ жой билан таъминлаш мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олади. Аммо Кореяга жўнатилганлардан 3 нафари белгиланган иш манзилидан бошқа жойга кетиб қолди. Натижада, у ердаги тартиб-қоидалар асосида биз уларни ортга қайтаришга мажбур бўлдик.

Энди бу фуқаролар қайта ариза ёзганда ҳам рухсат олиш-олмасликларини ҳеч ким билмайди. Чунки уларга тегишли маълумотлар умумий базага киритилди. Оқибатда, йўлкира харажатларига тушдилар. Шу боис мен ҳамюртларимизни мавжуд имкониятдан тўғри фойдаланишга чақираман. Баъзан Кореяда олдиндан меҳнат қилаётган қоракўзларимиз эндигина ишга борганларни «Э, қўй бу ишингни. Фалон корхонада 200-300 доллар кўп ойлик беради», деб чалғитишади. Аслида эса, улар айтгани ноқонуний иш бўлади. У ерда ижтимоий ҳимоя ҳам, суғурта ҳам бўлмайди.

**– Яна қайси давлатларда ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари кўпроқ?**

– Аввало, Россияда. Ҳозир бу мамлакатда 1 миллиондан зиёд юртдошимиз ишлаяпти. 2019-2020 йилларда уларга ёрдам бериш мақсадида Россиянинг 6 та шаҳрида ваколатхоналар очдик. Ўша ҳудудларда умргузаронлик қилаётган ватандошларимиз ушбу ваколатхоналарда ҳуқуқий-ижтимоий ёрдам ва маслаҳат олишлари, иш топишлари мумкин.

Бундан ташқари, Туркияда 60 мингдан ортиқ меҳнат муҳожиримиз фаолият юритмоқда. Шу боис туркиялик ҳамкасбларимиз билан ҳам ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятидамиз. Аммо бу ҳақдаги ҳужжат мамлакат Олий Мажлиси томонидан тасдиқланиши шарт экан. Бу иш амалга ошса, Туркияда ҳам ваколатхона очамиз ва у ердаги ватандошларимизга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш имконига эга бўламиз.

Биз ҳамюртларимиз Саудия Арабистони ва Японияга ҳам бориб ишлашлари учун ҳам зарур чораларни кўряпмиз. Охирги пайтларда «Ишга марҳамат» мономарказларимизда ишсиз фуқароларимизга япон тилини бепул ўргатиш курсларини очдик. Чунки уларда ҳам, аввало, тил билиш талаби қўйилади.

**– Хусусий бандлик агентликлари ишини назоратга олиш қандай кетяпти? Бир неча йил аввал жуда катта шов-шувларга сабаб бўлган салбий воқеалар қандай якун топди?**

– Ушбу жараён ҳали ҳам давом этмоқда. Чунки кўплаб фуқароларимиз ўзлари берган маблағларни ҳамон олишолмаяпти. Ҳолбуки, тадбиркорликнинг бир йўналиши бўлгани учун 2018 йилда хусусий бандлик агентликлари фаолиятига қонунан рухсат берилганди. Аммо айримлари одамларга катта зарар етказгани туфайли уларнинг фаолиятига ўзгартиришлар киритилиб, талаблар қатъийлаштирилди. Масалан, хусусий бандлик агентлигини ташкил этиш учун тузилиши зарур бўлган низом жамғармасининг миқдори яхшигина оширилди. Негаки, бирор салбий ҳолат рўй бериб, агентлик орқали хорижга ишга юборилган фуқаро оғир аҳволга тушиб қолса, унга ёрдамлашиш учун агентликда етарли маблағ бўлиши керак. Иккинчи ўзгариш эса, хусусий бандлик агентлиги тўғридан-тўғри ишга юборгани учун мижоздан ҳақ олиши тақиқлаб қўйилди. У фақатгина консультатив хизматга белгиланган миқдорда ҳақ олиши мумкин. Бир вақтлар 67 та хусусий бандлик агентлиги бўлган бўлса, ҳозир уларнинг сони 8 та. Айрим кишилар бу тадбиркорликка тўсиқ дейишди, аммо биз халқимиз манфаати учун шундай қилишга мажбур бўлдик.

**– Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси иккинчи ўқишга берилганига анча бўлди. Аммо ҳозиргача қабул қилинмагани сабаби нимада?**

– Амалдаги Меҳнат кодекси 1995 йилда қабул қилинган. Табиийки, у бугунги давр талабларига жавоб бермай қолди. Чунки жуда кўплаб меҳнат муносабатларида янгиликлар жорий этилди. Янги тушунчалар, янги нормалар кириб келди. Қолаверса, бу кодексда айрим юзаки ҳаволалар, муайян масалада бошқа бир қонунга мурожаат қилинг, деган мавҳумликлар ёки ҳозирги бошқа қонун ҳужжатлари билан зиддиятли ҳолатлар мавжуд. Шунинг учун биз уни 2019 йилдан янгилай бошладик. Бугунги кунда ҳужжат лойиҳаси ҳажм жиҳатидан ҳам икки баравар ошди. Олдингисида 264 та модда бор эди, ҳозиргиси эса 582 та моддадан иборат. Шунингдек, замонавий меҳнат муносабатларига доир нормалар ҳам жорий қилинди.

Хуллас, биз янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида бошқа қонун ҳужжатлари билан зиддиятлар бўлмаслиги учун астойдил ҳаракат қилдик. Аммо бу жараённи ҳали охирига етказмасимиздан айрим қонунлар ўзгаряпти ва кодексга яна ўзгартириш киритишга тўғри келяпти.

Кодекс лойиҳаси 2020 йил кўкламида тайёр бўлди ва Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро миграция ташкилоти, БМТ қошидаги бир неча институтларга тақдим этилди. Улар лойиҳани 3-4 ой давомида ўрганишди. Биз пандемия шароити туфайли онлайн тарзда фикр алмашишлар ўтказдик. Кодекс лойиҳасини Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш жараёни ҳам баҳс-мунозараларга бой бўлди. Чунки у катта ҳужжат, қолаверса, қамрови ҳам кенг бўлиб, расмий ёки норасмий равишда меҳнат қилаётган миллионлаб фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга мўлжалланган.

Бинобарин, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини қабул қилишда шошма-шошарликка йўл қўймаслик керак. Шу боис лойиҳани янада такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

**Шоира РАУФБОЕВА**
**суҳбатлашди**

# «Жамиятда ўқитувчининг қадрини ошириш – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ»

## Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов билан суҳбат



**– Халқ таълими вазирлиги халққа нечоғлиқ тегишли ва нечоғлиқ яқин?**

– Халқ таълими вазирлиги, халқ таълими тизими бўлгандан кейин ўз-ўзидан халққа тегишли-да. «Халқ» деган сўз фақат бизнинг вазирлик номида учрайди. Мамлакатимизда 6 миллион 200 минг нафар ўқувчи, уларнинг ота-онаси бор. Менимча, юртимизда бизнинг соҳага алоқаси бўлмаган бирорта оила бўлмаса керак. Кимнингдир боласи, кимнингдир жияни мактабда ўқийди ёки кимидир ишлайди. Биз бу боғлиқликни жуда яхши тушунамиз ва масалага, фаолиятга ана шу нуқтаи назардан ёндашамиз.

**– Танқидга муносабатингиз?**

– «Шерматов ўқитувчиларни жангга қуролсиз жўнатяпти», деганга ўхшаган танқидларгами? Менимча, ўзини ҳурмат қилган педагог шундоқ ҳам дарсга пухта тайёрланиб киради. Афсуски, орамизда «Энди ўқитувчилар бекорчи бўлиб қолди», деган нотўғри тушунчага эга одамлар ҳам бор. Биз Финляндия таълими ҳақида кўп гапирамиз. У ерда ўқитувчининг ойлиги ҳам, обрўси ҳам баланд. Ўқитувчи камида магистрлик дипломига эга бўлиши керак ва битта ўринга бир нечта номзод кўриб чиқилади. Бизда эса минглаб ўқитувчиларда магистр тугул, бакалавр дипломи ҳам йўқ. Бу борада қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп.

Баъзан интернетда ўқитувчилар ҳақида бўлмағур гапларни ўқиб қоламан. Педагогларга берилаётган имтиёзлар, яратилаётган имкониятларни кўролмайдиганлар ҳам топилади. Масалан, сўнгги пайтларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан ҳамкорликда алоҳида натижа кўрсатган ўқитувчиларнинг санаторийларда бепул дам олишини ташкиллаштирдик. Шуни ҳам негатив қабул қилганлар топилди. Афсуски, бундайлар ўқитувчилар орасида ҳам учрайди. Лекин, умид қиламанки, вақти келиб, ҳаммаси изига тушиб кетади, яъни одамлар бир-бирини тан олишни, ўзидан яхшироқ ва унумлироқ меҳнат қилганни ҳурмат қилишни ўрганади.

**– Ўқитувчиларга яна қандай енгилликлар яратилмоқда?**

– Бундан бир неча йиллар муқаддам ўқитувчи дарсга тайёрланишдан кўра, қоғозлар тўлдиришга кўп вақт сарфларди. Ҳозирги кунда ўша вақтдаги 7 та мажбурий ҳужжатдан фақат биттаси – журнал тўлдириш қолди, холос. У ҳам электрон шаклга ўтказилмоқда. Энди ўқитувчи ўзининг устида кўпроқ ишлаш ва болаларга кўпроқ вақт ажратиш имконига эга бўлади.

Президентимиз ташаббуси билан жамиятда ўқитувчилар мавқеини ошириш мақсадида уларга имтиёзли банк кредитлари берилмоқда, энг тажрибали ва маҳоратли педагог ходимлар юртимиздаги ҳамма ҳавас қиладиган даволаниш масканларида бепул ҳордиқ чиқаришмоқда. Мана, ўтган йили Тошкентда очилган «Чинобод – Плаза» санаторийсида биринчилардан бўлиб ўқитувчиларга ўзи соғлиғини тиклаш учун имкон берилди. Жорий йилдан бошлаб Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолияти йўлга қўйилди. Эндиликда уларнинг рейтингида энг юқори кўрсаткичга эришган мактаблар ўқитувчилари танлаб олиниб, кейинги йил уларга яна алоҳида шароитлар яратиб берилади.

**БИР ЙИЛ ОЛДИН 2 МИНГДАН ОШИҚ, ЯЪНИ ҲАР 4 ТА МАКТАБДАН БИТТАСИ УМУМАН НАТИЖА КЎРСАТМАГАН, БИРОРТА ЎҚУВЧИСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА КИРМАГАН ЭДИ. БИЗЛАР БУ ҲОЛАТНИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ, ЧОРА КЎРИШГА ИНТИЛДИК. НАТИЖАДА ЎЗГАРИШ РЎЙ БЕРИБ, БИР ЙИЛДА «ЖИМЛИК» УЧ БАРАВАРГА КАМАЙДИ, ЙИЛЛАР ДАВОМИДА БИРОРТА БИТИРУВЧИСИ КЕЙИНЧАЛИК ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ БЎЛМАГАН МАКТАБЛАРНИНГ СОБИҚ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИДА ЎҚИЙ БОШЛАДИЛАР.**

**– Эркак ўқитувчиларни мактабга қайтариш муаммоси қандай ечим топмоқда?**

– Бугунги кунда баъзи жойларда эркак ўқитувчилар аёллардан кўпроқ. Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида эса аёл ўқитувчилар жуда кўп. Чунки бу ҳудудларда эркакларга иш топилади, аммо чекка жойларда иш топиш мушкул.

Шу ўринда ойлик масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтсам. Ҳаммага маълумки, Тошкент шаҳрида яшаш даражаси юқори, сарф-харажат кўп. Шу боис пойтахтдаги ва олис туманлардаги ойликлар миқдорини қайта кўриб чиқишни таклиф қилгандик. Йўқ, бўлмади, «Шерматов тошкентликлар ойлигини оширмоқчи, ўзи шундоғам ҳамма шароит Тошкентда-ку», деб кўзимни очиришмади. Менимча, бюджет ташкилотлари ойликларини ҳам ҳудудлардаги ўртача яшаш даражасига қараб белгилаш керак. Чунки кўп давлатларда шундай.

**– Мажбурий меҳнат ва ўқитувчи...**

– Тушундим. Мажбурий меҳнатни тўлиқ тугатиш давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли амалга оширилди. Илгари ўқитувчилар дала ва ободонлаштириш юмушларига кўп жалб қилинарди. Эндиликда бу салбий ҳолатларнинг барчасига чек қўйилди. Ўшанда ўқитувчиларга мажбурий меҳнатга чек қўйилгани ҳақидаги хушхабар етказилганда, айримлари ишонқирамай, «Бундан кейин ростданам пахта теришга чиқмаймизми?», деб сўрашган. «Бу нарса вақтинчалик, эҳтимол, пиар учун қилинаётгандир?», деб ўйлаганлар ҳам топилди. Амалда мажбурий меҳнатга қатъий барҳам берилди. Бугун ўқитувчилар ўз ишлари билан машғул. Энди мажбурий меҳнат ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

**– Таълим сифатини кўтаришда қандай натижаларга эришилмоқда?**

– Бош мақсадларимиздан бири таълим сифатини ошириб, рейтинг бўйича дунёдаги энг яхши мактаблар даражасига чиқишдир. Аммо бунга эришиш учун бизга ёрдам керак. Масалан, Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ўқитувчилар ойлигини ошириш масаласи қайд этилган. Бу борада депутатларимиз биз билан ҳамфикр бўлиб, масалани биргаликда муҳокама қилишлари, жўяли йўл-йўриқлар кўрсатишлари лозим. «Келинглар, бюджетни тасдиқлаяпмиз, балки шу масалани ҳам кўриб чиқармиз», дейиш керак-ку, тўғрими? Ушбу масала ҳақида фақат вазир гапириши шарт эмас-ку! Мен эса гапираман, эвазига таъна-дашном ҳам эшитаман. «Қачон минг доллар ойлик қилиб берасиз?», деб сўрашади, гўёки бюджетни мен тасдиқлайдигандай...

Таъбир жоиз бўлса, бюджетни битта умумий пирог сифатида тасаввур қилинг. Ундан ҳамма ўзига кўпроқ бўлак олишни хоҳлайди. Кимдир мактаб, кимдир ижтимоий объект, кимдир йўл бўлсин дейди, яна кимдир бошқа нарса. Республика бюджетидан кейингиси – маҳаллий бюджет, унга пул ажратилганда маблағнинг маълум қисмини ҳокимият олдида чиройли гулзор яратишга ёки мактабга ишлатамизми, деган қарорни маҳаллий депутатлар қабул қилишади. Қанийди, ҳомийлар, битирувчилар ва бошқалар савоб ишларни кўпроқ қилишса ва бу «Бутун жамият биргалашиб, мактабга ёрдам берамиз», деган умуммиллий ҳаракатга айланса... Худо хоҳласа, шундай кунлар ҳам келар. Лекин ҳозирча «Шерматов билмайдими, таълим бюджетини депутатлар ҳал қилмайди», деб қайсидир депутат ёзяпти. Бу нима деган гап, ҳайронман...

**БИР ЙИЛ ОЛДИН 2 МИНГДАН ОШИҚ, ЯЪНИ ҲАР 4 ТА МАКТАБДАН БИТТАСИ УМУМАН НАТИЖА КЎРСАТМАГАН, БИРОРТА ЎҚУВЧИСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА КИРМАГАН ЭДИ. БИЗЛАР БУ ҲОЛАТНИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ, ЧОРА КЎРИШГА ИНТИЛДИК. НАТИЖАДА ЎЗГАРИШ РЎЙ БЕРИБ, БИР ЙИЛДА «ЖИМЛИК» УЧ БАРАВАРГА КАМАЙДИ, ЙИЛЛАР ДАВОМИДА БИРОРТА БИТИРУВЧИСИ КЕЙИНЧАЛИК ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ БЎЛМАГАН МАКТАБЛАРНИНГ СОБИҚ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИДА ЎҚИЙ БОШЛАДИЛАР.**

**– Ўқитувчиларда қандай касб касалликлари учрайди?**

– Биринчи навбатда, уларнинг асаби чарчайди. Ўйлайманки, буни пандемия шароитида уйда ўтирган кўпчилик ота-оналар сезишди. Кези келганда, сизни ўз болангиз ҳам асабийлаштиради. Энди тасаввур қилинг, 35 та ўқувчига қанчалик асаб кетади? Биз хориждан таклиф қилган психологнинг аниқлашича, кўпчилик ўқитувчиларда эмоционал толиқиш, ҳаётга бефарқлик, сиқилиш, болалар билан ишлашда қийинчиликлар кузатилган.

Устига-устак, ижтимоий тармоқларда ўқитувчиларни турли ҳолатда тасвирга олиб, «шантаж» қилишлар кўпайди. Булар ҳам умумий ҳолатга, кайфиятга салбий таъсир кўрсатади. Ўқитувчиларга бекорга ёзги таътил берилмайди, улар ўзини ҳар томонлама тиклаб олишлари ва янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўришлари керак. Бу йилдан бошлаб таътилни мароқли ўтказиш мақсадида қўшимча кенг имкониятлар яратилдики, бу ҳам мотивация!

**– Ўқитувчилар учун қандай ижтимоий пакетлар мавжуд?**

– Ўқитувчиларга машина олишда имтиёзли автокредитлар бериш яна давом эттирилади. Мобиль операторлар ҳам улар учун қулай бўлган алоҳида таълим таърифлари чиқаришди. Шунингдек, алоҳида акция орқали муаллимлар чегирма билан ноутбук, планшет олиш имкониятига эга бўлишди. Биз хусусий корхоналар тақдим этган бу янглиғ имтиёзлардан хурсандмиз. Олдимизда турган энг катта вазифа эса ўқитувчиларнинг ойлигини оширишдир. Ўйлайманки, бу масала ҳам ўз ечимини топади.

**– Чет элдаги олий ўқув юртларини битириб, таълим соҳасида ишлаётган мутахассислар ҳам борми? Агар бўлса, уларга алоҳида имтиёзлар берилганми?**

– Кўз тегмасин, ҳозир тизимда хорижда ўқиган ёки ишлаган 30 нафардан ортиқ мутахассис фаолият юритмоқда. Аслида, уларнинг сони бундан ҳам кўпроқ бўлиши керак. Аммо чет элнинг маошини қилиб бера олмасак, ҳамма ҳам яхши ойлик ва яхши шарт-шароитни ташлаб келмайди. Агар уларга шароит яратиб берай десангиз, «Нега хорижда ўқиганга кўп ойлик берасан?», деган ғавғо чиқади, интернетда ғийбат бошланади.

Ҳолбуки, чет элларда таълим олган ёшлар тизимда кўп ўзгаришлар қилишяпти. Уларнинг кўмагида янги китоблар нашр этиляпти, онлайн таълим платформасидан фойдаланиляпти. Бизни танқид қилиб, ақл ўргатувчиларга айтар сўзим бор: марҳамат, сизга бирорта мактабни берамиз ёки пулингиз бўлса, хусусий мактаб очиб, қандай ишлаш кераклигини амалда исботлаб қўйинг!

Яна бир гап: илгари кўп нарса ўқитувчини назорат қилишга қаратилганди. Ўша тизимда ишлаган айрим «завуч»лар, директорлар ҳозир «Сизлар ўқитувчига эркинлик бериш асноси конспект ёзишни йўқ қилдинглар, оқибатда, у ўз устида ишламай қўйди», деб норози бўлишмоқда. Чунки илгари муаллимлар ҳар сафар дарсга киришдан олдин ёзган конспектини «завуч»га тасдиқлатиб олган-да. Лекин яна қайтариб айтаман, ўзини ҳурмат қилган ўқитувчи дарсга тайёрланади. Конспект эса, аслида, ўқитувчини жазолаш инструментига айланиб қолганди. Шунинг учун ҳам уни йўқотдик. Бинобарин, ўқитувчига ёзган конспектига эмас, ишда эришган натижасига қараб баҳо бериш керак. Биз бу йўлда қатъий турибмиз.

Бир йил олдин 2 мингдан ошиқ, яъни ҳар 4 та мактабдан биттаси умуман натижа кўрсатмаган, бирорта ўқувчиси олий ўқув юртига кирмаган эди. Бизлар бу ҳолатни танқидий таҳлил қилиб, чора кўришга интилдик. Натижада ўзгариш рўй бериб, бир йилда «жимлик» уч бараварга камайди. Йиллар давомида бирорта битирувчиси кейинчалик олий маълумотли бўлмаган мактабларнинг собиқ ўқувчилари ҳам олий таълим даргоҳларида ўқий бошладилар.

Тўғри, таълим сифати фақат ўқувчиларнинг олий ўқув юртига кириши билан белгиланмайди. Биз ҳам улар 100 фоиз олий таълим муассасасига ўқишга кирсин деган талабни қўяётганимиз йўқ. Лекин битта синфни 30 нафар ўқувчи битирса-ю, биттасиям ўқишга киролмаса, бу нима деган гап? Демак, у ерда ҳаракат йўқ. Натижага ишлаш деганда, болаларнинг муваффақиятига қараб ишлашни тушуниш керак.

**– Ижтимоий тармоқдаги босимларга муносабатингиз?**

– Психологиядан маълумки, одам боласи ёмон нарсага, ёмон хабарга кўпроқ эътибор беради ва уни яхши эслаб қолади. Шунинг учун оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кўпроқ шов-шувли, замонавий тилда айтганда, «хайп» бўладиган мавзуларни кўтаришга ҳаракат қилинади. Мен буни Инха университетига ректор бўлганимда сезганман.

Университет орқасида битмай қолган бино бор эди. Уни бузиб, ўрнига янги иморат қуришимиз керак эди. Ҳозир борсангиз, ўша чиройли бинони кўрасиз. Ўшанда эски бинони бузиб, ўрнига янгисини барпо этиш учун Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиққан. Иш бошланди. Шунда «Инҳа университетига берилган бино фойдаланишга яроқсизлиги ҳақида қарор қабул қилинибди. Энди у бузиб ташланар экан. Ноинсофлар давлатнинг шунча пулини еб кетишибди, у қилишибди, бу қилишибди», деб ёзишган ва роса иғво қилишганди. Аммо ҳеч ким «Ҳой, барака топгурлар, у бино отам замонидан қолган ва битмаган, шунинг учун бузишга қарор чиққан», демади. Биз кейинчалик баёнот ҳам, изоҳ ҳам бердик, нега бир томонлама ёритдинглар, деб сўрадик ҳам...

Агар ижтимоий тармоқларда қайсидир гуруҳ ёки кимдир ўзига «подписчик» кўпайтирмоқчи бўлса, дарров мактаб мавзусига ёпишади. Чунки мактабга кўпчилик эътибор қаратади. Ёзги таътил вақтида иккита бола кўчада уришган бўлса ҳам «Мактаб болалари муштлашди», деб сарлавҳа қўйишади. Кейин мактабни, ўқитувчини ёмонлаб, бир талай изоҳлар битилади.

Агар ижтимоий тармоқлардаги босимларга эътибор берадиган бўлсам, ишни йиғиштириб қўйишим керак. Ҳар қалай, мен Йель университетини тугатганман, БМТда ишлаганман. Ҳозир ҳам қайтиб борсам, бирорта департаментга ишга олишади. Яхши жойга ўтиб олиб, ижтимоий тармоқларга кириб, ақл ўргатиб ўтиришим мумкин. Лекин кимдир ишлаши керак-ку! Ақл ўргатувчилар эса бизнинг фаолиятимизга камроқ аралашишса, ўқитувчиларга ҳалақит беришмаса, яхши бўларди.

**– Алишер Қодировнинг ўқитувчилар ҳақидаги фикрларига қўшиласизми?**

– Алишер ака таълимга қизиқадиган одам. Фақат шу «айрим ёки баъзи ўқитувчилар» демасдан, умумлаштириб, ҳаммани қўшиб юборгани ўзига салбий таъсир қилди. Айтайлик, битта милиция ходими ноинсоф бўлса, ҳаммаси ёмон дегани эмас-да. Мажбурий меҳнат пайтида мактабда ҳар хил кишилар ишлаган. Чунки пахта теримига одам керак бўлган. Баъзилари ўқитувчилик қилмаган, фақат штатда турган бўлиши мумкин. Эҳтимол, Алишер Қодиров шундай кишиларни назарда тутиб, гапирмоқчи бўлгандир, лекин умумлаштириб, ўқитувчилар деди. Шахсан мен унинг гапига эмас, позициясига қаршиман. Ўқитувчининг ойлиги ҳисобига мактаб қуриш – нотўғри фикр. Мен инсонни муҳокама қилишдан кўра, ғояни муҳокама қилишни маъқул кўраман. Бутун дунёда таълим сифатини ўлчайдиган «Pizza» деган рейтинг, у ерда барча давлатлар таълим тизимини ўрганадиган Андрей Шлагер деган таҳлилчи бор. У ўз таҳлиллари асосида бир нечта китоблар ёзган, китоблари интернетга ҳам жойлаштирилган. Олим бир хил даражадаги иккита давлат таълим тизимини таҳлил қилган. Бир мамлакат маълум миқдордаги маблағни мактаб қуришга, иккинчиси ўқитувчини кўпроқ рағбатлантиришга ишлатган. Каттароқ маош бериб, ўқитувчининг малакасини оширишга кўпроқ маблағ ажратган давлатда натижа юқори бўлган. Иккинчисида эса, асосан замонавий мактаблар қурилгани таълим сифатининг ошишига олиб келмаган. Айтмоқчи бўлганим шуки, маблағ ўша-ўша миқдорда бўлса, яъни қўшимча пул ажратилмаса (аслида, ажратилиши керак), биринчи ўринда ўқитувчи ва унга бериладиган рағбат туриши керак. Билимли ва малакали муаллим сал эскироқ хонада ҳам яхши дарс бераверади. Лекин синфхоналар зўр бўлса-ю, ўқитувчининг билими ҳаминқадар бўлса-чи?..

**– Сиз учун мансаб нима?**

– Амал – вақтинчалик нарса. Эртага мансабдан кетганда, раҳбар ҳамманинг кўзига тик қарай олиши, одамлар билан илиқ муносабатларини сақлаб қола билиши керак. У қанча самимий ва одил бўлса, ишида шунча унум бўлади. Менимча, бугунги раҳбар ижтимоий тармоқлардан хабардор ҳам бўлиши керак.

**– Вазирликнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан алоқалари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

– Улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилган. Касаба уюшмасининг энг кўп аъзоларга эга тизими халқ таълими ҳисобланади. Бу дегани, аъзолик бадалларининг энг катта қисми ҳам биздан ўтади. Юқорида айтдим, ҳозир санаторийларга энг кўп йўлланмалар ўқитувчиларга берилмоқда, бу йил шу кунгача 2000 нафардан ортиқ ўқитувчи сиҳатгоҳларда дам олди. Ўйлайманки, ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам узвий давом этади.

Бундан ташқари, кимё, биология, математика, информатика, физика, чет тили каби фанлар бўйича энг яхши устозларни муносиб рағбатлантириш юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан биргаликда танлов эълон қилинди. Шунингдек, республика миқёсида ўтказиладиган бошқа тадбирларимиз ҳам бор. Қуйи ва ҳудудий бўлимлардаги ҳамкорлик ҳақида ҳам узоқ тўхталиш мумкин.

Мен ўзаро ҳамкорликни яхши йўлга қўйгани ҳамда ходимлар ҳақ-ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилиб келаётгани учун касаба уюшмалари раҳбарияти ва барча фаолларга миннатдорлик билдираман.

**Шоҳира ҲАМРО суҳбатлашди**

---

*Сирдарё вилояти*

**Сирдарё туманида «Бугунги сифатли таълим ва тарбия – эртанги муваффақият гаровидир» шиори остида анжуман бўлиб ўтди.**

Анжуман

### Илғорлар меҳнати эътирофи

Унда янги ўқув йилини бошлаш, юклатилган вазифалар ҳамда ўтган вақт давомида юқори натижаларга эришган илғор педагоглар меҳнати эътироф этилди.

Тадбирда давлатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан мактабгача таълим тизимида фаолият юритаётган бир қатор илғор тармоқ ходимлари фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

– Ҳеч бир байрам, тадбир йўқки, касаба уюшмаси аралашувисиз ўтса, – дейди тумандаги 1-мактабгача таълим ташкилоти раҳбари Лола Собиржонова. – Мана бугун ўтказилган анъанавий анжуманда касаба уюшмаси бир қатор фаоллар меҳнатини эътироф этди. Бу ходимларнинг болажонларга сифатли таълим ва тарбия беришида куч беради.

**Мурод ХАИТҚУЛОВ,**
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё тумани кенгаши раиси

*Бухоро вилояти*

**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши тармоқ тизимидаги бошланғич касаба уюшмалари қўмиталари ҳамкорлигида қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.**

Туҳфа

### Хайрли ишлар бардавом!

Жумладан, тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган, кам таъминланган, кўп болали ва ижтимоий ҳимояга муҳтож касаба уюшма аъзоларини қўллаб-қувватлаш мақсадида янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан 35 та корхона ва ташкилот томонидан 430 нафар ишчи-ходимнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари олиб берилди.

Ушбу мақсадлар учун касаба уюшмаси ҳисобидан 65,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

**Туроб ҚУЛИЕВ,**
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси

*Наманган вилояти*

**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Косонсой тумани кенгаши ҳамда туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида тадбир ўтказилди.**

Тадбир

### Болажонлар қувончи

Унда тизимда фаолият олиб бораётган кам таъминланган касаба уюшма аъзоларининг фарзандларини янги ўқув йилига тайёрлашга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида 58 нафар болажонга 10 турдаги ўқув қуроллари берилди.

Тадбир куй-қўшиқларга уланиб кетди.

**Алижон СИДДИҚОВ,**
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Косонсой тумани кенгаши раиси

*Фарғона вилояти*



### «Қизим ниҳоятда хурсанд»

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона шаҳар бирлашган қўмитаси мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан тизимдаги муассасаларда меҳнат қилаётган кам таъминланган ва эҳтиёжманд ходимларнинг 294 нафар фарзандига ўқув қуроллари туҳфа этди.

– Қизимга янги ўқув йили олдидан ўқув қуроллари беришди, – дейди Фарғона перинатал маркази ходими М.Тошматова. – Бу эътибордан ўзим ҳам, қизим ҳам жуда хурсанд бўлдик.

**Ҳимоятхон СОБИРОВА,**
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона шаҳар бирлашган қўмитаси раиси

Табрик

30 yil







# «НАВОИЙАЗОТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

*Барча ватандошларимизни истиқлолимизнинг*

***30 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ!***

*Бугунги шукуҳли кунларда барча-барчага сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик, хайру барака тилаймиз. Ҳаммамизга озод ва обод Ватанда шоду хуррамлик билан яшаш бахти насиб этсин! Байрамингиз қутлуғ бўлсин!*

**Азим Суюн**

## *ВАТАН*

*Ўзимни танидим, кўкларда учдим,*
*Момиқ булутларнинг ҳавосин ичдим –*
*Кўзларим тўймади, кўзлардан кечдим.*
*Ватан! Онт ичмайман, қасам ичмайман,*
*Лекин икки дунё сендан кечмайман!*



Табрик

30

# Навоий кон-металлургия комбинати маъмурияти ва касаба уюшма кенгаши

**Барча юртдошларимизни ҳамда соҳа ходимларини энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрами билан чин юракдан муборакбод этади. Кундан-кунга юксалиб, ривожланиб бораётган жаннатмакон юртимизга кўз тегмасин. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!**

*Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!*



Табрик

30



## Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бувайда тумани кенгаши, Бувайда тумани халқ таълими бўлими ҳамда Бувайда тумани мактабгача таълим ташкилоти бўлими жамоалари

*барча юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз айём –*
***МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ***
*билан самимий муборакбод этади!*
*Ватанимиз тараққиёти йўлида фидойилик қилаётган барча таълим ходимларининг ишларига муваффақият тилаймиз. Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилангизга тинчлик ва хотиржамлик ёр бўлсин. Кундан-кунга юксалиб, жадал суръатлар билан тараққий этиб бораётган жаннатмакон юртимизга кўз тегмасин. Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!*

Табрик

# Қорақалпоғистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси жамоаси




*яқинлашиб келаётган қутлуғ сана –*
***1 СЕНТЯБРЬ – МУСТАҚИЛЛИК КУНИ***
*билан барча ватандошларимизни муборакбод этади! Энг улуғ ва энг азиз айём шодиёналари дилларни мунаввар айлаётган шу кунларда юртдошларимизга мустаҳкам соғлик, оилаларга файзу барака тилаймиз! Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч бўлсин!*
***Байрамингиз муборак бўлсин!***

**Ибройим Юсупов**

## *ЭСАР ЖАЙҲУН ШАМОЛЛАРИ*

***Қайда юрсам, соғинтирар,***
***Она юртим томонлари.***
***Хаёлимда саҳар-саҳар,***
***Эсар Жайҳун шамоллари.***
***Атиргул териб чўллардан,***
***Гулирайҳон чаманлардан,***
***Бизнинг бул гўзал эллардан***
***Эсар Жайҳун шамоллари.***

Табрик




# «ТАХИАТОШ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ»

**акциядорлик жамияти жамоаси барча юртдошларимизни**

*энг улуғ ва энг азиз байрамимиз – **Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 30 йиллиги** билан самимий муборакбод этади! Бугунги қувончли кунларда барча-барчага сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларига файзу барака тилайди. Ватанимизни, халқимизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!*

Гулистон Аннақиличева

### Ҳур айём

*Асли кўксимизда нурланар Ватан,*
*Асли меҳримизга чўмилар тилак.*
*Асли Аёл – ҳаёт, баҳор жон ва тан,*
*Азизим, ҳур айём бўлсин муборак!*

Табрик

Ucell

# «COSCOM»

## МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ




*Она Ватанимизга янгиликлар ва кенг кўламли ислоҳотлар олиб кирган Мустақиллигимизнинг 30 йиллик айёми ҳаммага муборак бўлсин! Ҳамиша оилангизда меҳр-оқибат, бахту саодат ҳукм сурсин! Қалбингиздан қувонч, дастурхонингиздан қут-барака аримасин. Юртимиз доимо обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлсин!*



Табрик



## ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

*Ҳар бир юртдошимизнинг ҳаётига янгича мазмун олиб кирган Мустақиллигимизнинг 30 йиллик тўйи барчага муборак бўлсин! Кейинги йилларда замонавий ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация тизимини ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришаётган соҳа ходимларига ва меҳнатсевар халқимизга тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт, соғлиқ-саломатлик ҳамроҳ бўлсин! Ҳамиша юртимиз гуллаб яшнасин, мустақиллигимиз абадий бўлсин!*

30

Табрик

XalqBanki




## Акциядорлик-тижорат Халқ банки жамоаси

**барча юртдошларимиз ва ватандошларимизни жонажон Ўзбекистонимиз тарихидаги қутлуғ сана – Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади. Истиқлолимизнинг қутлуғ шодиёнаси шукуҳи хонадонларимизга файзу барака, тотувлик ва хотиржамлик олиб кирсин! Жонажон Ўзбекистонимиз ривожланиш ва юксалишдан ҳеч қачон тўхтамасин!**

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ВА ТИНЧЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

**ФУРСАТДАН ФОЙДАЛАНИБ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ТАЛАБАЛАР УЧУН УЗОҚ МУДДАТЛИ ИМТИЁЗЛИ ТАЪЛИМ КРЕДИТИНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ.**

**ШАРТЛАРИ:**

**муддати:** асосий қарз талабанинг расмий ўқиш муддати тугаганидан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади;

**миқдори:** ҳар йилги тўлов-контракт шартнома суммаси;

**фоизи:** 14 % (фоизлари кредит расмийлаштирилгандан бошлаб ой-ма-ой тўлаб борилади);

**керакли ҳужжатлар:** паспорт (ИД карта), шартнома нусхаси, таъминот ҳужжатлари;

**кафил:** 18 ёшдан ўтган доимий даромадга эга шахс.

**!**

**Эслатиб ўтамиз:** табақалаштирилган тўлов-контрактни ва унинг минимал миқдорига тенг бир марталик бошқа тўловларни амалга ошириш учун таълим кредити ажратилмайди.

**Эълонлар**

## «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси маълум қилади:

«Ishonch» газетасининг 2021 йил 21 августдаги 104-105 (4545)-сонларида «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси томонидан 2021 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан берилган эълондаги Тошкент вилояти Юқоричирчиқ ва Янгийўл туманлари бўйича лот рақамлари техник сабабларга кўра нотўғри кетгани сабабли жадвалнинг Лот № устунидаги лот рақамлари Юқоричирчиқ тумани «Миробод» массиви бўйича Лот № 392-393-394-395-396-397-398 ва Янгийўл тумани «Аҳил» массиви бўйича Лот № 399-400- лот деб ўқилсин.

Сирдарё вилояти ИИБ томонидан 2011 йил 23 ноябрда подполковник Саидқосимов Бахтиёр Нишанбоевич номига берилган № 682-рақамли пенсия гувоҳномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Адабиёт




## ЎЗБЕК ЁЗУВЧИСИНИНГ КИТОБИ КУБАДА НАШР ЭТИЛДИ

**Фарғоналик ёш ёзувчи, эссенавис ва таржимон Шерзод Ортиқовнинг «Куз симфонияси» номли илк китоби ўтган йилнинг куз ойида «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилган эди.**

Ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинган мазкур китоб яқинда Куба давлатининг пойтахти Гавана шаҳридаги «Argos Iberoamericana Editorial» нашриётида инглиз ва испан тилларида чоп этилди.

Бу нафақат ёзувчининг, балки ўзбек адабиётининг ҳам ютуғи, албатта. Сабаби Шерзод Ортиқовнинг «Куз симфонияси» мустақилликдан сўнг ўзбек ёзувчиларининг испан тилида чоп этилган биринчи китобидир.

Мазкур китобнинг ҳозирча фақат электрон варианти сотувга чиққан. Келаси ҳафтадан эса унинг асл нусхаси Кубадаги китоб дўконларида ва «Amazon» платформасида кенг миқёсда сотилади.

**Гулруҳ АДАШБОЕВА**

# КИБЕРНЕТИКА мактаби асосчиси

Хотира уйғонса, гўзал!



**Академик Восил Қобулов чин маънода ўз соҳасининг моҳир устаси, етук олим, ҳақиқий устоз эди. Шу йилнинг 5 сентябрида Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёда кибернетика, информацион ва рақамли технологияларнинг пайдо бўлишига ҳамда кибернетика мактабига асос солган Восил Қобулов таваллудига 100 йил тўлади.**

Домла ҳақида сўз борар экан, унинг шогирдлари устознинг ҳаёт йўли осон кечмагани, аммо шунга қарамай у кўп тўсиғу чигалликларни енгиб ўтиб, ўз мақсади сари олға интилгани ҳақида сўзлаб беришади.

Хусусан, мактабни аъло баҳолар билан тугатган Восил Қобулов Ўрта Осиё давлат университетининг математика факультетига ўқишга киради. Талабалик вақтида Иккинчи жаҳон урушида иштирок этади. Суронли уруш тугагач, Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ўқишини давом эттиради.

Илм йўлини маҳкам тутган йигит Ўзбекистон Фанлар академияси Механика институтининг аспирантурасига ўқишга киради. Ўқиш ва изланиш билан бир қаторда илм ютуқлари, фандаги илғор янгиликларни ўрганишдан чарчамайди. Шу мақсадда Москва, Минск, Киев, Новосибирск каби шаҳарларда бўлиб, илғор фан ютуқларини ўрганади. Натижада Ўзбекистонда кибернетика ва ҳисоблаш техникасини ривожлантириш бўйича махсус йўл харитасини тузишга эришади.

Ёш олимнинг йирик изланишлари ўз самарасини беради. У 1952 йилда «Тўғри бурчакли ясси пластинканинг текис таранг ҳолатини ҳисоблашнинг баъзи бир усуллари» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлайди. 1956 йилда эса Восил Қобулов ташаббуси билан Ломоновский номидаги математика институтида ҳисоблаш маркази ташкил этилади. Кейинчалик бу институт Ҳисоблаш марказли механика институти, деб номланади.

Атоқли олим Ўзбекистон корхоналарида ҳисоблаш техникасини қўллаш учун турли лабораториялар ташкил этиш устида иш олиб боради. 1961 йилда Москва давлат университети илмий кенгашида «Эластиклик ва пластиклик динамик назариясининг бир ўлчовли ва икки ўлчовли баъзи бир масалалари» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Мазкур илмий иш фанда янги йўналишни кашф этиш имконини беради, яъни алгоритмик механикага асос солади.

– Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби Восил Қобулов билан кўп йиллар давомида бирга ишлаш бахтига муяссар бўлганман, – дейди иқтисод фанлари доктори, профессор Иброҳим Абдуғаниев. – Ўша дамларда у кишининг кўплаб ажойиб фазилатларига қойил қолганман. Устозда ватанпарварлик, инсонпарварлик, мардлик, меҳнатсеварлик, ёшларни қўллаб-қувватлаш хислатлари мужассам эди.

1966 йилнинг 26 апрелида Тошкентда Ҳисоблаш марказли кибернетика институти ташкил этилади ва Восил Қобулов унга директор этиб тайинланади. Институтга у раҳбарлик қилган йилларда Ўзбекистонда кибернетика, информацион ва рақамли технологияларни ривожлантиришга йўналтирилган кўплаб йирик лаборатория ва бўлимлар, ихтисослашган илмий кенгашлар ташкил этилади. Шунингдек, дунёнинг йирик илмий марказлари билан яқин алоқалар ўрнатилиб мамлакатимизга замонавий электрон ҳисоблаш машиналари олиб келинади. Шу ўринда Ўзбекистонга замонавий электрон ҳисоблаш машиналарини илк маротаба олиб кирган инсон – Восил Қобулов эканини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Академикнинг ташаббуси билан Тошкентда собиқ иттифоқда ягона бўлган Кибернетика илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилган. Унинг таркибида Ҳисоблаш марказли кибернетика институти, бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимлари, республика автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ҳамда тажриба экспериментал заводи вужудга келган.

Ўта камтарин ва зиёли инсон бўлган Восил Қобулов ўз даврининг жонкуяр олимларидан бири эди. У ўз йўлида учраган ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга интилган. Шу мақсадда миллий кадрларни тайёрлашга юксак эътибор бериб, кўплаб фан номзодлари ва фан докторларини етиштирган. Домланинг шогирдлари қаторида нафақат мамлакатимиз, балки Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон каби давлатлардан бўлган олимлар ҳам анчагинани ташкил этади.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан илм кишиларига, олимларга юксак эътибор қаратилиб, улкан имкониятлар яратилмоқда. Академик Восил Қобулов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш, унинг бой илмий меросини ривожлантириш, қатор-қатор илмий, илмий-оммабоп асарларини яна кўплаб илм изловчиларга етказиш борасида тизимли ишлар олиб борилаётгани ҳам жуда қувонарлидир.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
журналист




Эъзоз

## Спорт фахрийларига эҳтиром

**Миллий Олимпия қўмитасида 13 нафар спорт мураббийига «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонини топшириш маросими бўлиб ўтди.**

Улар орасида фахрий футболчилар Биродар Абдураимов, Тўлаган Исоқов, гимнастика бўйича уч карра Жаҳон чемпиони, Европа чемпиони, Осиё чемпиони, дунё гимнастикаси юлдузи Оксана Чусовитина, қиличбоз, узоқ йиллар Миллий Олимпия қўмитасида фаолият олиб борган Собиржон Рўзиев, машҳур спорт шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаевлар ҳам бор.

**Маълумот учун:** Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ таъсис этилган «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан 3 мингга яқин юртдошларимиз тақдирланди. Улар орасида юртимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган зиёлилардан тортиб, маҳалла фаолларигача барча соҳа вакиллари бор.

**Ўз мухбиримиз**

*Тошкент вилояти*

## ОҚАВАЛАРДА ОҚҚАН ВАЪДАЛАР

**Бундан сал олдин ижтимоий тармоқларда Чирчиқ дарёсининг Қибрай тумани «Чингелди» маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмига қизил тусли сув оқизилаётгани ҳақида хабарлар тарқалган эди.**

Ушбу ҳолат юзасидан «Экопартия»нинг Тошкент вилояти кенгаши, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси, «Тошкент сув таъминот» МЧЖнинг Чирчиқ шаҳар бўлими мутахассислари ўрганишлар олиб боришган. Унга кўра, қизил сув «Чирчиқ сув тозалаш» иншоотидан чиқаётгани, ушбу тизимга Чирчиқ шаҳри ва Қибрай туманидаги саноат корхоналари томонидан меъёридан ортиқ кимёвий моддалар оқизилаётгани, унда эса замонавий локал тозалаш иншоотлари мавжуд эмаслиги аниқланган.

Хўш, дарёга ташланаётган оқавалар таркибида қандай зарарли моддалар бор?

Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси берган маълумотга кўра, «Тошкент сув таъминоти» МЧЖнинг оқава сув ташлаш жойида лаборатория таҳлиллари ўтказилган. Натижада азот аммоний белгиланган меъёрдан 3,95 марта, кислородга кимёвий талаб 8,1 марта, азот натрит 4,1 марта, сирти фаол моддалар 1,6 марта кўплиги аён бўлган. Шунингдек, сув ҳидсиз ва оч қора рангда экани, таркибида нефть маҳсулотлари йўқлиги, оғир металлар ва водород кўрсаткичи белгиланган меъёрдан ортмагани ойдинлашган.

Аслида ўтган йили ҳам худди шундай воқеа рўй берган ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилган эди. Бунга жавобан Тошкент вилояти масъуллари «Sevimli» телеканали орқали ушбу ҳолат тез орада ижобий ҳал этилишига ва бошқа такрорланмаслигига ваъда беришган эди.

Амалда-чи?..

Афтидан, улар танқиддан тўғри хулоса чиқариб олишмаган. Шу боис, ўша муаммо яна кун тартибига чиқди. Демак, берилган қоп-қоп ваъдалар ҳавога учди.

– Охирги пайтларда турли шов-шувга сабаб бўлаётган рангли сув «Чирчиқ оқаваларни тозалаш» иншоотидан белгиланган меъёрда дарёга оқизилган, – дейди «Тошкент сув таъминоти» МЧЖнинг Чирчиқ шаҳар бўлими раҳбари Улуғбек Расулматов. – Бир қарашда айбдор аниқ. Бироқ иккинчи томондан рангли сув тозалаш иншоотига қаердан келиб қолди, деган савол туғилиши табиий. Шу ўринда айтиш лозимки, республикадаги айни турдаги барча иншоотлар аҳолидан келаётган маиший чиқинди сувларни техник ва технологик жиҳатдан тозалашга мўлжалланган. Таомилга биноан, саноат корхоналаридан оқизилаётган чиқинди сувлар бирламчи локал иншоотларда тозаланиб, сўнгра оқава сув тармоқларига ташланиши керак. Афсуски, бу меъёрларга ишлаб чиқариш корхоналари деярли амал қилмайди. Биз юқоридаги ҳолатни жойига чиқиб ўрганганимизда дарёга оқизилган оқава сувлар таркибидаги ранг тўқимачилик корхоналарида фойдаланиладиган бўёқ экани ойдинлашди. Уларнинг раҳбарлари бундай ҳолатларга бошқа йўл қўймаслик бўйича қатъий огоҳлантирилди, айрим корхоналар фаолияти эса вақтинча тўхтатилди.

Директорнинг қўшимча қилишича, Бўстонлиқ ва Қибрай туманларидаги чиқинди сувларнинг маълум қисмини «Чирчиқ оқава сув» иншооти қабул қилади. Бир кеча-кундузда 80 минг куб метр оқавани қабул қилувчи бу иншоотга «Сп Ооо Uztex Chirchiq», «Alkim Tekstil», «Orzu-Teks», «Indigo Garments» каби корхоналардан меъёридан ортиқ ифлослантирувчи моддалар аралашган ва айрим пайтларда рангли чиқинди сувлар ташланмоқда. Юқорида тилга олинган нохушлик айнан шу бепарволик билан боғлиқ.

Кўриб турганингиздек, бу билан мутасадди айбни ўз бўйнидан соқит қилмоқчи. Аслида эса мазкур ҳолат учун айнан «Тошкент сув таъминоти» МЧЖнинг Чирчиқ шаҳар бўлимидагилар жавобгар. Улар дарёларга оқизилаётган оқаваларни қатъий назоратга олишлари шарт эди.

Афсуски, бугун Чирчиқ дарёси бўйларидаги экологик вазият киши дилини ранжитади. Саноат корхоналаридан чиқаётган зарарли моддалар, оқава сувлар атроф-муҳитга, наботот ва ҳайвонот оламига ўта салбий таъсир кўрсатмоқда. Аниқроғи, кимёвий моддаларга тўйинган зарарли оқавалар бутун борлиқни заҳарламоқда. Мутасаддиларнинг эса парвойи фалак.

Биз ушбу масала бўйича улардан қуруқ ваъдаларни эмас, амалий ишларни кутиб қоламиз.

**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,**
«ISHONCH»

Оғриқ тишлар...



**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:**

**Қудратилла РАФИҚОВ**
*(таҳрир ҳайъати раиси),*
**Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ**
*(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),*
**Меҳриддин ШУКУРОВ**
*(Масъул котиб – «Ishonch»),*
**Валентина МАРЦЕНЯК**

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон вилояти** – (+998-99) 889-90-23
**Бухоро вилояти —** (+998-99) 889-90-31
**Жиззах вилояти** – (+998-99) 889-90-34
**Наманган вилояти** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий вилояти** – (+998-99) 889-90-28
**Тошкент вилояти —** (+998-99) 889-98-44
**Самарқанд вилояти** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё вилояти** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё вилояти** – (+998-99) 889-90-32
**Фарғона вилояти** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм вилояти** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё вилояти** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррирлар:**
Ж. Наҳанов,
С. Абдураҳмонов

**Мусаҳҳиҳлар:**
Д. Худойберганова,
Ғ. Мираҳмедов

**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **06:00**
Топширилди – **06:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 8 босма табоқ.
Буюртма **Г – 806.**
**27619** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:**
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130